Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 138 (9634). • 1989 йил 25 июль • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

• ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ •

ҒЎЗАНИ ЧАНҚАТИБ ҚЎЙМАЙЛИК

● АЙНИ кунларда ғўзани оби-тобида суғорган, уни чанқаб қолишига йўл қўймаган деҳқонгина ҳосилдан ютқазмайди. Айниқса, экин ривожи ўтган йилдагига қараганда анча орқада қолган бу йилги шароитда сувчи зиммасига алоҳида масъулият юклатилгандир. Шу кеча-кундузда Бекобод райони пахта далаларида 1700 дан ортиқ сувчи меҳнат қилмоқда. Улар, айниқса, ғўзани тунда суғоришга катта аҳамият бермоқдалар. Бу, табиий, албатта. Ғўза тунда суғорилса, биринчидан, сув иқтисод бўлади, иккинчидан, экин оби-ҳаётга қонади. Кўпчилик хўжаликларнинг сувчилари бу тажрибадан кенг фойдаланмоқдалар. Ҳар куни район бўйича 850 гектарга яқин майдонга сув қўйилмоқда.

Қўлтивация, суғориш, озиқлантириш ишларини бир-бирига боғлаб ўтказиш ғўза ривожидаги қолоқликни бирқадар тугатиш имкониятини бермоқда. Агарда бу йил районда 23 минг 600 гектарга яқин майдонда пахта етиштирилаётган бўлса ҳозирга қадар 2600 гектар майдондаги ғўза тўлиқ гулга кирди. 8550 гектар майдонда 75 процент, 8 минг гектарда 50 процент экин гул кўрсатди.

Вазифа — барча майдонлардаги ғўзани бир текис гулга киритиб олиш ва ҳар туп ғўзанинг серҳосил бўлиб ўсишини таъминлашдир. Бунинг учун саратоннинг ҳар бир кунидан оқилона фойдаланиш керак.

Афсуски, деҳқонларнинг ўзларига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли айрим тадбирлар, масалан, суғоришда баъзан узилиш бўлишига йўл қўйилмоқда. Хусусан, «Ленинград» совхозида шундай аҳвол рўй бермоқда. Маълумки, бу совхоз Тошкент каналининг одоғида жойлашган. Сувни ҳаммадан кейин ичади. Шунинг учун бўлса керак, деҳқонлар мўлжалдаги сувни ололмаяптилар. Ҳар куни мўлжалдаги ўн куб ўрнига 8—8,5 куб сув олинмоқда, холос. Оқибатда сув етишмаяпти. Айрим майдонлардаги ғўзалар чанқаб қолмоқда. Бу ҳақда хўжалик раҳбарлари мутасадди ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилишган бўлишига қарамай натижа кўнгилдагидек бўлмаётир.

Фурсат эса ўтиб бормоқда. Сўздан амалий ишга ўтиш керак. Деҳқонларни етарли сув билан таъминлаш зарур. Акс ҳолда ғўзалар чанқаб қолиб, не-не машаққатлар билан қилинган меҳнатнинг бир қисми зое кетади.

✦ БЎКА районидаги Ильич номли колхоз деҳқонлари бу йил 1020 гектар майдондаги пахтанинг ҳар гектаридан 28 центнердан хом ашё олиш учун курашмоқдалар. Айни кунларда хўжалик далаларида ғўза парвариши уюшқоқлик билан боряпти. Пахтакорлар экинга учинчи сув беришни бошлашди, ғўза қатор ораси етти марта культивация қилинди. СУРАТЛАРДА: колхознинг илғор бригада бошлиғи Юсупали Бойимбетов (чапда) механизатор Холбой Худойбердиев билан культивация пайтида; сувчи Абдумалик Тожибоев.

А. Мальцев олган суратлар.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

1989 йил 23 июлда Марказий телевидение мухбири билан суҳбати

Мухбир: Михаил Сергеевич, бугун Сизга барча совет кишиларини қизиқтираётган битта савол бермоқчимиз. Мамлакатнинг кўмир регионларидаги шахталарда ҳозир вазият қандай?

М. С. Горбачев: Бу савол барча совет кишиларини қизиқтираяпти, деган фикрингизга қўшиламан. У қизиқтирмаслиги ҳам мумкин эмас: чунки гап халқ манфаатларига даҳл қилувчи ва бизда қайта қуриш ишлари қандай бораётгани билан бевосита боғлиқ бўлган ғоят жиддий нарсалар тўғрисида бораяпти. Биз оғир кунларни бошдан кечирдик. Оғир, нотинч, эҳтимолки, ҳатто танг кунларни ўтказдик. Мен бу гапларни вазиятни кескинлаштириш учун айтаётганим йўқ. Мен содир бўлаётган воқеаларга реал баҳо бераяпман. Вазиятнинг кескинлашганига асос бўлган ва мамлакатнинг кўмир ҳавзаларида шахтёрларнинг иш ташлашларига олиб келган сабабларни ҳозир тилга олмайман. Бунга кейинроқ қайтаман.

Шуни айтишим керакки, агар бундай вазият авж олиб кетганида, мен аввало вақтни назарда тутаяпман, шундай кескинлик сақланиб қолганида, агар бунга яна бошқа тармоқларнинг меҳнат коллективлари қўшилишганида жуда кўп нарса хавф остида қолган бўлур эди. Шу боисдан мен сизнинг саволингизни ҳам тушунаман. Бу савол одамлар аслида нималар бўлаётганини, ҳозир вазият қандайлигини билишни истаётганликларидан келиб чиққан.

Аввало шуни айтаманки, мана шу бутун кунлар мобайнида Марказий Комитет, СССР Олий Совети ва Ҳукумати, кўмир қазиб чиқариш билан боғлиқ идораларнинг ҳаммаси жуда салмоқли ишладилар. Аниқ-равшан масалаларни пухта ишлаб чиқиш, забастовкалар натижасида вужудга келган вазиятни эътиборга олиш учун ана шу регионлар билан кечаю кундуз узлуксиз алоқа боғлаб туришимизга тўғри келди. Кўмир қазиб чиқариладиган барча марказларга Марказий Комитет ва ҳукумат вакиллари юборилди. Масалаларнинг бутун комплексини кўриб чиқишда Олий Совет депутатлари, бутун Олий Совет фаол қатнашдилар. Хуллас, биз ҳаммамиз шу иш билан банд бўлдик. Бу тушунарли бўлса керак, деб ўйлайман. Мен ҳали айтганимдек, масала ҳаддан ташқари жиддий.

Пировард натижада ана шу биргаликдаги иш масалаларнинг бутун комплексини муҳокама қилиш, тегишли аҳдлашувларга эришиш имконини берди. Бунда иш яхши муҳитда — шахтёрлар томонидан талабчанлик руҳида, аммо яхши амалий, реалистик муҳитда олиб борилди. Бу ҳам жуда муҳим эканлигини қайд этиб ўтиш керак.

Мухбир: Бу эса ўз натижаларини берди...

М. С. Горбачев: Ҳа. Реалистик муҳит ҳукм сурди. Мен бу сўзда тўхталиб ўтаман, чунки одамлар бизнинг барча ресурсларимиз ишга солинганлигини, қўшимча имкониятлар йўқлигини тушунадилар. Энг муҳими эса кишилар асосий масалаларнинг ҳал этилишини вазият ўзгариши билан, иқтисодий ислоҳот ривожланиши билан, хўжалик юритиш усуллари ўзгариши ва ана шуларнинг ҳаммаси ташаббус кўрсатиб ишлаш учун йўл очиши, меҳнат унумдорлигининг янги даражасига кўтарилиш, бошқача натижалар, катта даромадлар олиш уларни кескинликни тугатадиган тарзда тасарруф этиш имкониятини бериши билан боғламоқдалар, холос.

Шахтёрларда масалалар тўпланиб қолган эди, албатта, уларни ҳал этиш, ҳал этганда ҳам зудлик билан ҳал этиш керак эди. Гап бевосита меҳнат шароитларига дахлдор масалалар ҳақида боряпти. Буларнинг ҳаммаси кўриб чиқилди. Аслини олганда ҳозирдаёқ ҳамма жойда келишув асосида протоколлар тузилди, ҳужжатлар тайёрланди. Бу ҳужжатлар ҳам биргаликдаги куч-ғайратлар натижасидир. Ана шу ҳужжатлар бизнинг бугунги имкониятларимизни ва вазиятни марказ ҳам, шахтёрларнинг ўзлари ҳам тушунаётганликларини акс эттиради. Бинобарин, жуда муҳим босқич босиб ўтилди. Мен юқорида айтиб ўтганимдек бу босқич зўр ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳида босиб ўтилди. Биз эса буни қадрлаймиз.

Одамлар шундай мураккаб вазиятда ўзларини жуда масъул, вазмин тутганликларини алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Улар ана шу кескин вазиятдан кимдир бошқа номаъқул мақсадларда фойдаланишга имкон бермадилар. Биз буни ҳам қадрлаймиз. Биргаликда бажарилган ишлар натижасида бутун эрталабга келиб шахталарда вазият қандай таркиб топаётгани тўғрисида ҳозир айтиш мумкин. Шахтёрлар ишни тўхтатган деярли барча регионлар билан мен кеча кечқурун ҳам, бугун тунда ва эрталаб ҳам гаплашдим.

Мухбир: Дам олиш учун вақт қолмади, денг...

М. С. Горбачев: Ҳа, бундай пайтда ҳеч ким дам олишни хаёлига келтирмаса керак, деб ўйлайман. Марказ вакиллари жойларда шахтёрлар билан кечаю кундуз ишладилар. Бу ерда ҳам иш худди шундай маромда борди, чунки ҳамиша саволлар юзага келиб турди.

Мухбир: Савол юзага келгач, жавоб қайтариш керак.

М. С. Горбачев: Ҳа, жавоб қайтариш керак. Ҳозир Кузбасс ишлаяпти, Қарағанда ишлаяпти. Ўз-ўзидан равшанки, Донбасс тўғрисида гапириш керак. У ерда ўртоқ Рябев бошчилигидаги комиссия билан шахтёрларнинг вакиллари биргаликда олиб борган иш ниҳоясига етди, ҳужжатлар келишиб

(Давоми иккинчи бетда).

ШАХТЁРЛАРГА МУРОЖААТ

22 июль куни М. С. Горбачев ва Н. И. Рижков Донбасс кончиларининг талабларини кўриб чиқувчи ҳукумат комиссияси раиси ўртоқ Л. Д. Рябевга телеграмма юбордилар. Телеграммада шундай дейилади:

«Донбасс шахтёрлари ўртага қўйган масалаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги ахборотингизни тинглаб, сизга комиссия келишиб олган барча масалалар СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Советида шахтёрларнинг вакиллари иштирокида ҳеч кечиктирмай кўриб чиқилиши ва улар юзасидан зарур қарорлар қабул этилишини шахтёрларга маълум қилишни топширамиз.

СССР Олий Совети ва СССР ҳукумати номидан Донбасс шахтёрларини ишга чиқишга яна бир бор даъват этамиз. Халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида вазият қалтис чегарага етди. Ҳозирги вақтда вазиятни нормаллаштириш юзасидан ўзаро ҳамжиҳатлик ва биргаликдаги ҳаракатлар талаб қилинади».

ТАССга маълум қилишларича, мамлакат бошқа регионлари кўмир саноатининг меҳнаткашлари ўртага қўйган масалалар ҳам шундай ҳал этилади.

(ТАСС).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА, РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА АҲОЛИСИГА МУРОЖААТНОМАСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномаси маъқуллансин.

Мурожаатнома матбуотда эълон қилинсин, телевиденне ва радио орқали ўқиб эшиттирилсин.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, нжодий союзлар Мурожаатномани республика аҳолиси орасида кенг тарғиб қилиш ва тушунтиришни уюштирсинлар.

ХУШХАБАРЛАР

● «СРЕДАЗГАЗПРОМ» бирлашмаси мутахассислари Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти олимлари ишлаб чиққан рецепт бўйича газ-конденсати ёнилғиси тайёрлашни ўрганиб олдилар. Улар Шўртон газ конида ўтказган тажриба муваффақиятли чиқди. Янги ёнилғи дизель ёнилғисидан анча арзон тушади ва шу билан бирга ҳавони икки баравар кам булғайди. Афсуски, газчилар республика давлат план комитети уни фондларга қўшмагунича, давлат нефть маҳсулотлари таъминоти комитети эса бундай ёнилғи сақланадиган жойларни тайёрлаб бермагунича бу ёнилғини етказиб беришга кириша олмайдилар.

● «СРЕДАЗКАБЕЛЬ» бирлашмаси чиқиндиларни жамлаб олиб, анчагина фойда кўрди. Кўп йиллардан бери бу ерда фторопласт қобиғига ўралган, лекин талабга жавоб бермайдиган кабелни нима қилишни билишмас эди. Ҳимоя қобиғи ностандарт бўлган симларни тўғридан-тўғри завод территориясида кўмиб юборишарди. Бош заводнинг цехларни ижарага олган давлат кооперативлари «сифатсиз сим»ларни ердан кавлаб олишди ва улардан рўзғорда, станоклар ва электр арраларни ишлатишда фойдалана бошлашди.

● ТОШКЕНТНИНГ Ленин кўчасидаги 40-уйни шу уйда яшовчи кишиларнинг ўзлари Фрунзе район ижроия комитетининг «ташаббуси»дан сақлаб қолишди. Улар уйнинг ташқи меъморий қиёфаси бузилишига йўл қўймадилар — уй арки ичида магазин очишмоқчи бўлишаётганини эшитиб, ўйламай қабул қилинган қарорнинг бекор қилинишига эришдилар. Бинолар қиёфасига бундай ўзгартишлар киритиш яқин-яқингача ҳам оддий ҳолат бўлиб келган эди: район архитекторлари ўша ижроия комитетларининг ўзида хизмат қилишарди. Лекин хушхабар келди: бундан буён уларнинг ҳаммаси шаҳар бош архитекторига бўйсунадиган бўлишди. Энди жамоатчиликнинг иттифоқчилари ҳам пайдо бўлди.

(ЎзТАГ).

МЕҲР РИШТАЛАРИ УЗИЛМАСИН!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига МУРОЖААТНОМАСИ

Қадрдон дўстлар! Азиз биродарлар!

Кўпмиллатли улуғ Советлар Ватанимиз қайта қуришнинг оғир синовларини бошдан кечирмоқда. Қийинчилик ва мураккабликлар билан бўлса-да, олға томон одимламоқда. Қайта қуриш — ҳаммамизнинг, айни чоғда ҳар биримизнинг тақдиримиз, жамиятимиз ва тузумимиз тақдири бўлиб қолди. Шундай бир пайтда сиз билан бизнинг мустаҳкам сиёсий қарашларимиз, муштарак ҳаракатларимиз фавқулодда катта аҳамият касб этади. Зиддиятли тарихимизнинг не-не синовларидан ўтган дўстлигимиз осмонида қора булутларнинг пайдо бўлиши катта мақсад йўлида дадил бораётган барча софдил кишиларни ташвишга солмасдан қололмайди. Шундай кунда юрт қалқони— Сиз азиз халқимизга мурожаат қилишни лозим деб топдик. Халқнинг саховати, ақли-заковати адоват уруғини сочувчи иғво, миш-мишлардан устун эканлигига ишонамиз.

Маълумки, Фарғона фожиаси, деб ном олган қўнгилсиз ҳодисалар чарақлаган ёз осмонида бевақт гулдираган момақалдироқ бўлди. Натижада саховатли тупроғимизда 45 йил ризқ-рўз терган, шу йиллар ичида ўзбеклар билан дўст-ёр, оға-ини, қариндош-уруғ бўлиб кетган биродаримиз — месхети туркларга бошига мусибат тушди.

Афсуски, бир кун ичида она юртидан бадарға қилинган, уй-жойи, бутун молу-мулкини ташлаб келган месхети туркларининг аянчли қисматини, уларни энг оғир кунда бағрига олган, биродарим деб бошини силаган, бир бурда нонини бўлишиб еган ўзбеклар даражасида биладиган яна ким бор? Сталин зуғумидан дили тилка-пора бўлган халқни ўз бағрига олган ким бўлганди? Уларнинг боши қатағон тошига тегиб, рўйи замин уларга тор келганда кенг бағрини очган ўзбеклар эмасмиди? Месхети туркларининг ўрта авлоди ва ёшларига кўп миллатли Ўзбекистон тупроғи она юрт хизматини бажармаганмиди? Турклар, крим татарлар, корейслар ва бошқа миллат, элатларнинг мусибатларини баб-баравар баҳам кўрган ўзбеклар эмасмиди?

Миллатлараро биродарлик инқилобий курашларда, Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида қон билан мустаҳкамланган. Урушнинг оғир кунларида уйиннг тўрини, қалбининг кўрини дўстларга тутган ҳам ўзбек эди! Уруш қаъридан эвакуация қилинган ўнлаб миллатларнинг юз минглаб ғўдакларига ҳам етимлик нималигини билдирмай, меҳру шафқат қўлини чўзган, уларга ҳам ота, ҳам она бўла олган, болажон, мўмин-қобил, сахийқалб ўзбек эди!

Ўзбек тарихан байналмилал халқ! Байналмилал фазилатлар унинг қон-қонига ва томирига сингиб кетган улуғ мерос! Шундай халқни йўлдан тойдирмоқчи бўлганларнинг, унга миллатчилик тамғасини босмоқчи бўлганларнинг уриниши беҳуда. Ўзбекнинг илк битиклари, аллома Абу Райҳон Берунийнинг тарихий «Ҳиндистон»и ва Алишер Навоийнинг буюк «Хамса»сида осмон қадар улуғланган чин ҳақиқат — эл ва элатлар ўртасидаги дўстлик, муҳаббат, халқлар ўртасидаги улуғ қонқардошлик туйғусидир. Машраб, Фурқат, Ҳамза сингари жаҳонга машҳур шоирлар руҳи ҳамиша бизни инсоний камолот сари чорлаб туради. Аллома ва донишманд боболаримиз халқлар ўртасидаги буюк дўстлик кўпригининг беназир меъморлари бўлишган ва буни сақлашни бизларга васият қилишган.

Ифтихор билан айтиш мумкинки, жаҳон халқлари олдида бўлганидек, Ватан олдида ҳам ўзбек халқининг юзи ёруғ, кўнгли покиза. Фарғона ҳодисалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга ким қандай бўёқ бермасин, тарих албатта ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Аслида Фарғона фожиасидан энг кўп жароҳат топган, ўзининг кенг бағрига кўпмиллатли дўстларни қабул қилган меҳнаткаш халқнинг ўзи эмасми?

Она Фарғонани ўлкамиз равнақини, ўзбек халқининг обрўси, қадр-қимматини ўйлаган кишилар шундай йўлга қадам қўярмиди? Она юрти ва она халқини ўйлаганлар, улуғ мамлакат ғамини еганлар бу йўлга бош суқармиди? Бу фожиалар қўли қадоқ Фарғона деҳқонининг иши эмас. У ҳеч қачон заҳматкаш Фарғона ишчисининг ва зиёлисининг иши бўлолмайди! Бу фалокатни келтириб чиқарганлар учун юрт меҳри, Ватан ифтихори деган тушунчалар бегона. Уларнинг тақдири ҳеч қачон Фарғона халқи билан боғланган эмас.

Ўзбек онаси тетапоя юрган боласига: «қушнинг ҳам уясини бузма, болам»,—деб ўргатади. Имон билан айтиш мумкинки, бўлиб ўтган худбинлик ўзбек халқининг иши эмас. У айни пайтда ўзбекнинг қалбига отилган ўқ бўлди. Ўн минглаб бошпанасидан айрилган турклар қатори миллионлаб ўзбекнинг, республикамизда яшовчи бошқа миллат вакилларининг ҳам қалбини жароҳатлади.

Биз ишонтириб айтамизки, бу фалокатни ташкил этганлар, қонли жиноятга қўл урганлар, фожиа шамолини билиб, ўзларини билмасликка олганлар, соддадил ёшларни жиноят йўлига бошлаганлар қилмишлари учун Совет қонунлари, халқимиз олдида беистисно жавоб берадилар. Бу фожиа бизни чинакам сергаклантирди. Янада чуқурроқ ўйлашга мажбур этди. Эндиги вазифа — бу фожиадан етарлича сабоқ ва оқилона хулосалар чиқариб олишда.

Фарғона водийсида кўплаб муаммолар тўпланиб қолган. Сиёсий, ташкилий ишлар, таълим-тарбия ишлари сусайиб кетган. Мавжуд масалалар орасида жиддий социал-иқтисодий, экологик муаммолар бор. Буларнинг ҳаммаси умумий дардимиз, камчилигимиз. Бу муаммоларни бартараф этиш, сиёсий, ташкилий ва мафкуравий ишларни қайта қуриш борасида кўп ишларни амалга оширишимиз лозим.

Ҳеч шубҳа йўқки, совет халқи ва Совет давлати, Ўзбекистон партия ва ҳукумати оғир мусибатда қолган оилаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатади ва кўрсатмоқда. Бироқ, ҳар қандай инъом ва мурувват уларни ўз ўчоғи, ўз бошпанаси ва униб-ўсган тупроғига қайтаришга тенг келармиди? Вақти-соати билан бу халқнинг ноҳақ поймол бўлган ҳақ-ҳуқуқларини давлатимиз тиклайди, қардошлар қалбидаги она-Ватан орзуси рўёбга чиқади. Бунинг учун ҳам вақт керак. Воқеа ва ҳодисаларни тўғри баҳолаш зарур. Бироқ, уларнинг кўпчилиги учун Ўзбекистон она юрт каби азиз ва муқаддас эканлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Азиз юртдошлар! Донолар доимо элга эл қўшилса — давлат деганлар. Келинг, элнинг тўзишига йўл қўймайлик.

Азизлар, қадрдонлар! Саховатпешаликни, инсонийликни, қадр-қимматни азалий удум билган юртдошлар! Бугун дўстлик ришталари яна бир бор синовдан ўтаётган кезда Сизга мурожаат қиламиз!

Халқнинг донишмандлари — ота-оналар, оқсоқоллар, Сизларга мурожаат қиламиз. Фан, маданият арбоблари, Сизларга умид билан боқамиз! Сизнинг ҳар бир сўзингиз эл-юрт олдида нақадар эътиборли эканлигини биламиз. Ақли расо сўзингизни айтинг, олиму фозилларимиз! Сўз сеҳрини заргарона ишга солинг, азиз санъаткорлар, токи халқ бахти-саодати парокандалик билмасин! Эзгу ниятингиз тезроқ ижобат топсин, яхшилар!

Дўстлик ва қардошлик тақдири бугун ўз қўлимизда. Арғамчига қил қувват, дейдилар. Дўстлигимиз ипи, узилмасин, қаердаки унинг битта-яримта чоки сўкилган бўлса, унинг ўрнини минг қават меҳр-муҳаббат иплари билан боғлайлик. Буни сўзда эмас, амалда кўрсатадиган вақт келди. Оғир синовлардан кейин ҳам турк қардошларимиз умиди ва ишончини ўзбеклар юрти билан боғлаб, дўстлар қучоғига қайтмоқдалар!

Ўз уйи ва дўстлари қошига қайтаётган ҳар бир қардошнинг кўзидан ёшни артиб, дардни кекантириш — бу ўзбеклар иши! Ўз уйи остонасидан ҳатлашга ботинмай, ҳадиксираб турган қардош халқ вакилининг қўлидан тутиб, мурувват кўрсатиш — мана бу ўзбекона тантилик! Сарсонлик-саргардонлик бездирган, ҳолдан тойдирган, силласини қуритган инсонларга кувват бўлиб, қўлтиғига кириб мадад бериш — мана бу ўзбекча паҳлавонлик! Бемавруд ғам-андуҳдан бир зум бошини эгиб, йўл азобидан қадди дол, турли шубҳа ва хаёллар оғушида ердан кўз узмай, хаёл суриб турганларнинг қаддини кўтариш — марднинг иши!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Олий Совети ва ҳукуматининг иродаси, айни муддаоси бу. Дўстлик, биродарлик — жамиятимизнинг энг мустаҳкам устунидир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачев Совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқида бу эзгу ҳақиқатни холисона таърифлаб берди. Келинг, шу нутқда кўтарилган фикр-мулоҳазаларни, қоида ва хулосаларни якдил тўла қўллаб, партиямизнинг ленинча миллий сиёсатини амалга ошириш учун бугун куч-ғайратимизни сафарбар этайлик, фидокорона меҳнатимиз билан кўпмиллатли Иттифоқимиз халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлашга эришайлик.

Азиз дўстлар! Қардошлар! Юртдошлар ва элатдошлар! Келинг, юракни гина-кудурат ва адоват юкидан халос этайлик! Токи унда фақат эзгулик ва яхшилик уруғи унсин! Дўстлар кўришганда кўзида севинч ёши бўлса майли, лекин қўлида тош бўлмасин! Қардошлар, биродарлар дуч келганда ота-боболардан мерос удумимизни тутайлик: қулочни кенг ёзинг, дўстлар! Бу қалби очиқ ўзбекнинг кенг қулочи бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

М. С. ГОРБАЧЕВнинг

1989 йил 23 июлда Марказий телевидение мухбири билан суҳбати

(Давоми. Боши 1-бетда).

олинди ва имзоланди. Ҳозир Макеевка шахтёрлари ишлашмоқда, яна икки-уч шаҳарларнинг кончилари ҳам ишламоқдалар. Бошқа баъзи районларда ишни тунда бошлаш назарда тутилмоқда.

Донецкдагилар эришилган натижаларни қўллаб-қувватламоқдалар, аммо: аҳдлашувлар бажарилишига, бу масала Олий Совет да ҳам, ҳукуматда ҳам кўриб чиқилишига кафолат борми, деб доимо ташвишланмоқдалар. Бу гап жойларда ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга ҳам тааллуқли, албатта. Одамларни тушуниш мумкин, деб ўйлайман, улар муайян даражада ишонмай қўйишган. Шунинг учун ҳам Донецк шахтёрларини хотиржам қилиб, шуни таъкидламоқчиманки, биз Н. И. Рижков билан ўз телеграммамизда айтган гаплар, келишиб олинган ҳамма аҳдлашувлар, буларнинг барчаси қарорлар мавзуси бўлиб, жуда масъулият билан кўриб чиқилади, бунда шахтёрларнинг ўзлари иштирок этадилар.

Мухбир: ТАСС хабар қилганидек, бу гаплар Донецк шахтёрларигагина тааллуқли бўлиб қолмагани учун ҳам бу ҳақда гапириш лозим бўлса керак.

М. С. Горбачев: Буни эсга олганингиз яхши бўлди. Ҳозир телефонлар жиринглаб, телеграммалар келиб турибди ва одамлар: фалон регион хусусида фалон нарса айтилгану, аммо бошқа регионлар хусусида айтилмаган, деб сўрашмоқда. Ниҳоятда аниқ-равшан қилиб шуни таъкидлашим керакки, шахтёрлар олга сурган масалаларни ҳал этиш борасида белгиланган чора-тадбирлар барча регионларга ҳам тааллуқлидир. Мен ҳозиргина Россия Федерацияси Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Горшков билан ҳам, Коми АССР обкомининг секретари ўртоқ Мельников билан ҳам гаплашдим, улар ҳам «Воркутауголь», «Интауголь» шахтёрлари билан ҳужжатларни ишлаб чиқишни ниҳоясига етказмоқдалар. У ердагилар ҳам: Кузбасс ёки Донбасс хусусида айтилган гаплар бизга ҳам тааллуқлими, деб сўрашмоқда. Яна бир бор таъкидлайман: ҳаммага тааллуқли. Айниқса шимолда, Қутб доирасидан нарида ишлаётган шахтёрларга нисбатан келишиб олинган чора-тадбирларни амалга ошириш чоғида қандайдир эътиборсизликка йўл қўя олмаймиз.

Хуллас гап барча шахтёрлар тўғрисида борянти. «Ростовуголь» ишламоқда. Шахтёрлари умуман ишни тўхтатмаган кўмир регионлари бор. Бинобарин ҳозир вазият барқарорлашмоқда. Зотан мен ҳозир суҳбатимиздан фойдаланиб, шахтёрларга биз буни юксак қадрлаймиз, деб айтмоқчиман. Масалаларни ўртага қўйиш ва кўриб чиқиш нуқтаи назаридан уларнинг принципиаллигини, уларнинг меҳнати мамлакат учун қандай аҳамиятга эга эканлигини тушунаётганликлари нуқтаи назаридан уларнинг ҳаққонийлигини қадрлаймиз.

Шундай вазиятнинг бундан буён сақланиб қолиши, айниқса унинг чуқурлашиб кетиши мамлакат экономикасига жиддий таъсир қилиши мумкин эди. Хўш, экономика нима ўзи? Бу — вужудга келган аҳвол мамлакатнинг бутун турмушига таъсир ўтказган бўлур эди, деган маънони билдиради. Шу боисдан ҳозир шахтёрларнинг ишга киришганликларини бутун халқимиз муносиб баҳолайди деб ўйлайман.

Мухбир: Михаил Сергеевич, мен Сизга бермоқчи бўлаётган шундай саволни ўртага қўйиш ҳали эрта бўлиши мумкин. Эҳтимол кўп нарсани пухта ўйлаш ва идрок этиш учун вақт керакдир, шундай бўлсада: вужудга келган вазиятдан ҳозир қандай сабоқ ва хулосалар чиқариб олиш мумкин, деб сўрамоқчиман.

М. С. Горбачев: Сиз ҳақсиз, хулосалар чиқарилади, аммо асосли хулосалар учун ҳақиқатан ҳам ҳали вақт эрта. Кўп вақт ўтгани йўқ, бунинг устига биз вазиятни бартараф этиш, шу тугунни ечиш, ишни тўғри йўлга солиб юбориш учун барча муаммоларни кўриб чиқиш билан банд бўлдик.

Шунга қарамай, ҳозирнинг ўзидаёқ бу хусусда айтиладиган гаплар бор. Энг аввало шуки қайта қуриш бизга керак. Кўмир ҳавзаларида, шахтёрларнинг посёлкаларида, кончиларнинг меҳнат шароитида, умуман шу тармоқни ривожлантиришда кўп муаммолар йиғилиб қолган албатта. Аммо экономиканинг, халқ социал турмушининг барча соҳаларида ҳам ана шундай у ёки бу даражадаги ўткир муаммолар борку, ахир. Шу боисдан биз қайта қуриш йўлида ҳақиқатан ҳам кўп нарсани тубдан ўзгартиришимиз ва одамларнинг турмуш шароитини яхшилашимиз лозим. Бугун шу масалани шахтёрлар ўткир қилиб қўйдилар, бу эса асослидир.

Лекин бошқалар ҳали яхши кунлар келишини кутиб, умид билан яшамоқдаларку. Бунга эса қайта қуриш йўлидан борган тақдирдагина эришиш мумкин. Турмуш қайта қуришнинг зарурлигини мана шундай ўткир шаклда яна бир бор тасдиқлаётганининг боиси ҳам шунда.

Иккинчиси. Қайта қуришни яна ҳам қатъият билан олиб бориш керак. Шахтёрларнинг нутқларида мана шу фикр билдирилмоқда. Улар мамлакатнинг имкониятлари чекланганлигини тушунамиз ва агар мамлакат хўжалик юритиш усулларини ўзгартириш йўлидан қатъият билан борган тақдирда, бу имкониятлар кўпайтирилиши мумкин, деб рўй-рост айтмоқдалар. Хўжалик юритиш усулларини ўзгартириш учун, янгича ишлаш учун кенг йўл очиб бергудай қонунлар бордек эди. Лекин уларни қўлланиш учун жуда кўп ғовлар мавжуд. Мана энди шахтёрлар, ишчилар синфи қайта қуришнинг боришидан, иқтисодий ислоҳотнинг боришидан норозидирлар. Дарвоқе, мен бундай норозиликни Ленинградда ҳам эшитган эдим, бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларимни ўртоқлашганман.

Ишчилар синфининг қатъий сўзи марказда ҳам, жойларда ҳам, тармоқларда ҳам барчани фикрлашга мажбур қилади, деб ўйлайман. Энг муҳими эса мамлакат манфаатлари, халқ манфаатлари экономикани, қатъиян қайта қуришга ҳалақит бераётган ғовларнинг ҳаммасини олиб ташлаш учун зарур чоралар кўришга мажбур этади. Ҳозир вужудга келган вазиятдан келиб чиқадиган хулосаларнинг бири шу эканлиги шубҳасиздир. Шахтёрлар жуда кескин ҳаракат қилдилар. Умуман олганда бу мақбул йўл, деб ҳисобламайман, чунки у бизни иш маромидан чалғитади. Аммо, эҳтимол, шахтёрларда бунинг учун асослар бўлгандир, ҳар ҳолда улар йўл қўймаган бирдан-бир нарса шу бўлдики, вазият қўлдан чиқиб кетмади.

Мухбир: Назорат остида тутишди.

М. С. Горбачев: Назорат остида тутишди, биз эса буни қадрлаймиз. Улар масалани тўғри қўйишди, ишчилар синфи ҳам масалани тўғри қўймоқда. Мана шу нарса мен гапирмоқчи бўлган энг жиддий хулосаларнинг бири деган бўлур эдим: ишчилар ишни жиддий равишда ўз қўлларига олмоқдалар. Бу эса воқеалар қанчалик танг бўлишига қарамай, мени жуда қаттиқ руҳлантирмоқда.

Хўш, яна нима равшан кўринди турибди: меҳнат коллективлари қайта қуришга, иқтисодий ислоҳотни амалда рўёбга чиқаришга чинакамига киришиб, шу пайтгача қилинганига қарагандан кўпроқ иш қила олиши учун марказда кўпгина масалаларни тезроқ ҳал этиш керак. Кўмир ҳавзаларида комиссияларнинг иши шуни кўрсатдики, бир йил, икки йил, уч йил муқаддам ҳал этилиши лозим бўлган кўпгина масалалар бор. Бунинг учун эса марказнинг ҳеч қандай қарорлари талаб этилмайди.

Мухбир: Жойларда ҳал этилиши керакми?

М. С. Горбачев: Ҳа, жойларда ҳал этилиши керак. Ҳозир комиссия посёлкаларни ободонлаштиришга, транспорт, водопровод, савдо қандай ишлаётганига таллуқли масалаларни кўриб чиқаётганлиги тўғрими. Ёки тунги ишлар, кечқурунги ишлар билан боғлиқ масалаларни, дам олиш кунлари қачон ва қанча бўлиши, шахтёрларга умумий дам олиш куни керак ёки керак эмаслигини ҳал этиш мумкин эмасмиди, ахир. Шунга ўхшаган мисолларни яна келтириш мумкин. Ахир булар маҳаллий; нари борса тармоқ масалалари-ку. Маҳаллий органлар нима учун бундай иш тутишмоқда, деб сўрагинг келади. Наҳотки биз шундай оддий масалаларнинг ҳал этилишига эришиш учун халқни жуда ташвишлантираётган бу қадар кескин шакллардан фойдаланадиган бўлсак.

Мухбир: Мамлакатни безовта қилади.

М. С. Горбачев: Экономикани ҳам, мамлакатни ҳам безовта қилади. Шахтёрлар бизнинг партия, совет органларимиз, кадрларимиз қандай иш тутишаётганлиги тўғрисида ҳам кўп гапларни айтишди. Афтидан кўплар ҳали ўтмиш тасаввурлари билан яшаётганга, вақт ўзгарганини, халқ мулоқот қилишни, аввало одамлар ишлаётган шаҳар, район, посёлка, корхонага даҳлдор ҳаётий муҳим масалаларни муҳокама этишни талаб этаётганини ҳис этмаганга ўхшайди.

Аммо бутун мамлакатга даҳл қиладиган масалалар бор. Ҳозир одамлар ҳеч нарсага бефарқ қараётганлари йўқ, баъзи ўртоқлар эса эскича тасаввурлар билан яшаб келмоқдалар, шу боисдан эътиборсизлик, жонли мулоқотнинг йўқлиги кўпинча ҳаётий муҳим масалаларнинг ҳал этилмай, кўрилмай қолишига олиб келади. Ҳозир ишчилар бунга тоқат қилишни истамаяптилар ва тоқат қилишмайди ҳам. Улар Кузбассда ва Донбассда марказ олдига, республикалар олдига, область органлари олдига, маҳаллий органларнинг фаолиятига таллуқли аниқ-равшан масалаларни қўйдилар. Шу жумладан баъзи жойларда у ёки бу ходимни алмаштириш тўғрисидаги масалалар ҳам қўйилган. Баъзи жойларда ҳозирдаёқ пленумлар ва сессиялар бўлиб ўтди, шахтёрларнинг жойларда ҳал этиш мумкин бўлган ўткир эҳтиёжларига мутлақо қулоқ солмаган одамлар алмаштирилди.

Мухбир: Яъни масала жуда қатъий қилиб қўйилмоқда.

М. С. Горбачев: Мана бу вужудга келган вазиятдан олинадиган яна бир сабоқдир. Дарвоқе, бу иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, область, ўлка партия комитетлари секретарлари билан КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда гап борган масалалар билан ҳамоҳангдир. Кенгашда турмуш билан ҳамқадам бўлиб, халқ манфаатлари йўлида қатъий ҳаракат қилиш, энг қийин масалаларни одамлар билан бирга муҳокама этиб, уларни ҳал қилиш йўлларини топиш тўғрисида гапирилган эди. Бундан бошқа йўл йўқ. Ўмуман бусиз қайта қуриш олга силжимайди. Одамлар ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жараёнларда, ҳам маънавий соҳада фаол иштирок этган тақдирдагина қайта қуришни амалга ошириш мумкин.

Ҳозир шу билан чекланиб қолиш мумкин бўлур эди. Сиёсий бюрода ҳам, СССР Олий Советида ҳам, Министрлар Советида ҳам нималар чуқур ўйлаб кўриш мавзуси бўлишини олдиндан айтмоқчи эмасман. Хуллас обдон пухта ўйлаб кўриш лозим бўлган нарсалар бор. Маҳаллий партия, совет, хўжалик органлари ҳам фикр юритадиган масалалар бор, деб ўйлайман. Шахтёрларнинг забастовкаси фикр юритиш ва ҳаракат қилиш учун жиддий омил берди.

Сизнинг саволингизга жавобим аслида мана шулардан иборат. Бу жавоб ҳақиқатан ҳам ҳозирча дастлабки жавобдир. Фақат шуни айтмоқчиманки, эртага Олий Советда, афтидан, бу хусусда баъзи бир масалалар ва таклифларни киритиб, вақтни бой бермай, биз мана шу ўткир вазиятдан чиқариб олаётган сабоқларни назарда тутиб, ҳаракат қилсак керак.

Пировардида эса мен шахтёрларга, мамлакатнинг барча ишчилари, ҳамма меҳнаткашларига яна бир бор мурожаат қилиб, биз ҳақиқатан ҳам жуда масъулиятли даврни, қайта қуришни ривожлантиришдаги босқични бошдан кечираётганимизни айтмоқчиман. Бу — жамият турмушининг барча соҳаларида биз туб ўзгартишлар йўлига ўтган мушкул давр бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси енгил ва осон кўчаётгани йўқ, ҳатто маҳрумликлар билан ўтмоқда. Аммо биз жамиятимизни янгилашдек кенг йўлга чиқиб олишни истасак, буни енгиб ўтишимиз лозим.

Мухбир: Михаил Сергеевич, суҳбатингиз учун, тўла-тўкис жавобларингиз учун катта раҳмат.

Кузбасс ишга тушди

КЕМЕРОВО, 21 июль. (ТАСС махсус мухбирлари Н. Железнов ва Г. Шалакин). Ўн кунлик иш ташлашдан кейин Кузбассдаги ҳаёт тўла-тўкис нормал пашди. 20 июль кечаси областнинг барча шахталари ва корхоналарида иш ташлаш комитетларининг қарори билан тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш маромо қайта тикланди. Тартиб сақлаш ва иш ташлашнинг боришини бошқариш учун тузилган мана шу муваққат иш органлари ҳозир партия, касаба союз ва совет органлари билан биргаликда регионнинг нормал турмушини йўлга қўйиш жараёнига фаол қўшилдилар.

Бу ердагиларнинг фикрича, иш ташлаш жуда катта зиён етказди ва унинг ўрнини деярли қоплаб бўлмайди. Ўн кун бекор турилганлиги Кузбассни барча пландан ортиқ маҳсулот жамғармасидан маҳрум этди, корхоналар ва шаҳарларнинг социал ривожланиш фонди резервларига катта путур етказди. Кузбасс шахтерлари, ўлканинг барча меҳнатчилари бой берилган имкониятни саботли меҳнат билан, юксак уюшқоқлик билан тўлдиришга бел боғлаганлар. Улар қайта қуриш учун тақликали воқеалар такрорланишига йўл қўймаслик мақсадида партия ва касаба союз комитетлари билан янада мустаҳкам ҳамкорликда ишлай бошладилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. Н. Слюньков бошчилигида областга келган ҳукумат комиссияси кеча Белово, Гурьевск, Салаир шаҳарларининг меҳнаткашлари билан учрашувлар ўтказди. Бугун эрталаб комиссия аъзолари Междуреченскка жўнаб кетдилар.

КОНЧИЛАРНИНГ ТАЛАБЛАРИ ҚОНДИРИЛДИ

Мамлакатнинг кўпгина регионларида кончиларнинг забастовкалари давом этаётган бир пайтда иш ташлаш комитетлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС комиссияси ва Кузбассдаги иш ташловчилар регионал комитети ўртасида тузилган битим мамлакатдаги барча кўмир ҳавзаларида жорий этилишига шубҳа билдирмоқдалар. Битимнинг эълон қилинаётган тўла текстида унинг барча моддалари мамлакатнинг кўмир қазиб олинадиган барча регионларига мутлақо тааллуқли эканлиги таъкидланади.

(ТАСС).

* * *

Регион забастовка Комитети ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПСнинг тармоқ масалалари билан шуғулланувчи комиссияси Кузбассдаги иш ташлаган корхоналар меҳнаткашларининг талабларини кўриб чиқиб, қуйидаги битимни қабул қилдилар.

1. Кузбасс корхоналарига, шахталар, разрезларга давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунга биноан тўла иқтисодий ва юридик мустақиллик берилсин.

Мазкур масалани ҳал этишда кўмир саноати корхоналарига алоҳида аҳамият берилсин. СССР Кўмир саноати министрлиги турли уюшмаларга кирувчи мавжуд бирлашмаларни, бошқарувни ташкил этишнинг бошқа ихтиёрий шаклларини қайта ташкил этсин. Бу иш 1990 йилнинг 1 январигача амалга оширилсин. Ишлаб чиқариш воситалари — давлат, кооператив, ижара, акционерлик ва бошқа мулкларнинг турли формаларидан кенг фойдаланилсин.

2. 1989 йилнинг 1 августидан бошлаб Кузбасснинг саноат корхоналарига тузилган шартномадан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулотни мамлакат ичкарисида, шунингдек бошқа мамлакатларга (чет элга фақат СССР ҳукуматининг рухсати билан сотиладиган маҳсулотдан ташқари) шартнома нархларида сотиш ҳуқуқи берилсин.

СССР Кўмир саноати министрлигига бир ой муддат ичида кўмир саноати корхоналарида давлат буюртмаси ҳажми тўғрисида таклиф тайёрлаш, бунда корхоналарнинг давлат буюртмасидан ташқари маҳсулотни ўз хоҳишига қараб шартнома нархларида етказиб беришни назарда тутиш, СССР Министрлар Советига тегишли таклифлар киритиш топширилсин. СССР Министрлар Совети 1989 йилнинг августида ана шу таклифларни, жумладан биринчи галда кокса ладиган кўмирларга оид таклифларни кўриб чиқсин.

3. СССР Давлат нарх комитети ва СССР Кўмир саноати министрлигига улгуржи нархларни ислоҳ қилиш тўғрисидаги лойиҳада кўмир қазиб олишга амалда сарфланадиган харажатларга мувофиқ, ерларни тўла яроқли ҳолга келтириш харажатларини, ўзгарадиган конгеология шароитларини ҳисобга олиб, корхоналар (бирлашмаларнинг) иқтисодий ҳисмат муассасаларига асосий иқтисодий кўрсаткичларни (кўмир қазиб олиш, ҳажмини, меҳнат унумдорлигини, маҳсулот таннархини, маҳсулот ишлаб чиқариш нормаларини) пухта қайта кўриб чиқиш ҳуқуқини бериш билан кўмир нархини ошириш топширилсин.

4. 1989 йилнинг 1 августидан бошлаб кўмир саноати корхоналари кўмир қазиб олиш, нарх белгилаш нормаларини ва хизмат кўрсатиш нормаларини ўзлари мустақил белгилайдилар. Ҳавза нормалари тавсия нормалар деб ҳисобланади.

5. 1989 йилнинг 1 июлидан бошлаб кўмир саноати ходимлари тунги сменада ишлаганлиги учун соат тариф ставкаси (оклади)нинг 40 проценти ва кечки сменада ишлаганлиги учун 20 проценти миқдорида ҳақ тўлансин.

6. СССР Кўмир саноати министрлиги давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига амал қилиб, Кузбасс кўмир корхоналари меҳнаткашлари учун якшанба кунни ягона дам олиш куни, деб белгилашга доир ишларни (1990 йилнинг иккинчи кварталидан кечикмай) амалга оширсин.

7. Шахталар ва уларга тенглаштириладиган корхоналарда ходимларнинг меҳнатига участка бошлиқларининг кон қудуғидан иш жойигача ва иш жойидан кон қудуғигача қатнов вақти учун тариф ставкаси (оклад) миқдорида ҳақ тўлаш белгилансин.

8. Корхоналарга уларнинг СССР Министрлар Советининг 1989 йил 4 майдаги 372-қарорида кўзда тутилган ҳуқуқларига биноан моддий рағбатлантириш фонди (ягона меҳнатга ҳақ тўлаш фонди), ҳисобидан ҳалоқ бўлганларнинг оилаларига бир йўла бериладиган нафақа (чеклланмаган тарзда) белгилаш, бир корхонада узоқ вақт ишлаган меҳнаткашлар пенсияга чиққанида бир йўла тўланадиган нафақа бериш, уларга қўшимча отпускалар белгилаш, бошқа социал тўловлар бериш тавсия этилсин. Ана шу тўловлар ва имтиёзларнинг аниқ миқдори ва шартларини корхоналар мустақил равишда белгилайдилар.

9. Бирлашмалар ва корхоналарга СССР Министрлар Советининг 1989 йил 4 майдаги 372-қарорида берилган ҳуқуқга биноан аёлларга болаларни уч ёшгача парвариш қилиш учун отпуска бериш тавсия этилсин.

10. СССР Кўмир саноати министрлигига давлат назорати органлари билан келишиб, хавфсизлик техникасига оид барча амалдаги инструкцияларни қайта кўриб чиқиш ва қисқартириш, бунда меҳнат хавфсизлиги талабларини таъминлаш вазифаси юклатилсин. Шу асосда тегишли ходимлар қисқартирилсин. СССР Кўмир саноати министрлиги шу йил 1 октябргача бирлашмалар ва корхоналар раҳбарияти билан биргаликда ана шу ишни амалга оширсин.

11. СССР Кўмир саноати министрлиги қўлланиладиган ҳужжатлар юзасидан ҳисоботларни камайтириш, ҳар бир мутахассиснинг аниқ пухта вазифаларини белгилаш тадбирларини кўрсин. Улардаги иш жойларини замонавий ҳисоблаш ва ташкилий техника билан таъминлаш жадаллаштирилсин. СССР Ҳисоблаш техникаси ва информатика давлат комитети СССР Кўмир саноати министрлигига зарур ёрдам берсин. Корхоналар раҳбарлари ва меҳнат коллективи кенгашига 1989 йилнинг 1 октябригача корхоналарнинг бошқарув аппарати структурасини соддалаштириш ва шу асосда мутахассислар ва раҳбарлар сонини қисқартириш, наряд системасини соддалаштириш тавсия этилсин.

12. СССР Давлат меҳнат ва социал масалалар комитети, ВЦСПС пенсия тўғрисидаги янги Қонунни тайёрлаш чоғида разрезлар, автобазалар меҳнаткашларининг, ҳунар-техника билим юртларининг алоҳида рўйхатдаги меҳнаткашларининг стажини имтиёзли тарзда ҳисобга олиш, шунингдек меҳнаткашларнинг инвалидликка сабаб бўлган ишлаб чиқариш травматизми ёки касб касалликлари билан боғлиқ касаллик даврини имтиёзли тарзда ҳисобга олиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқсинлар.

13. СССР Давлат меҳнат ва социал масалалар комитети пенсиялар тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида ВЦСПС билан биргаликда ҳарбийлаштирилган кон — қутқарув қисмлари меҳнаткашлари ҳамда кўмир саноатининг ер ости ва очиқ ишларида банд бўлган меҳнаткашлар учун ана шу ишларда 25 йилдан ортиқ ишлаган тақдирда ёшидан қатъи назар иш қаҳининг 70 проценти миқдорида пенсия белгиланиб, пенсия белгилаш учун сўнгги 15 йилдан исталган беш йил олиниб пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқсинлар ва СССР Министрлар Советига маълум қилсинлар.

14. СССР Давлат меҳнат ва социал масалалар комитети ВЦСПС билан биргаликда пенсиялар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси билан бирга илгари ер ости ишларида, кўмир разрезларида ва уларга тенглаштирилган бошқа корхоналарда банд бўлган ходимнинг ишлаб чиқаришда жароҳатланганлиги туфайли инвалидлик пенсиясида бўлган даврда унга имтиёзли шартларда пенсия белгилаш учун ер остидаги ва имтиёзли иш стажини ҳисобга олиш ҳақидаги таклифларни кўриб чиқсинлар ва сентябрь ойида СССР Министрлар Советига тақдим этсинлар.

15. СССР Давлат меҳнат ва социал масалалар комитети ҳамда ВЦСПС отпускалар тўғрисидаги СССР Қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида касаллик варақасига пул тўлашда кўзда тутилган тартибда 5 кунлик иш ҳафтаси ҳисобидан иш ҳаки белгилаш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқсинлар, пенсиялар тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасини тайёрлаш чоғида технология транспорти ҳайдовчилари ва поезд тузувчилар учун умумий иш стажи камида 30 йил бўлган тақдирда ва мазкур касбда камида 12 йил ишлаган тақдирда имтиёзли ёшни 55 ёш деб белгилаш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқсинлар.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига, СССР Кўмир саноати министрлигига, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига ВЦСПС билан биргаликда остеохондроз ва доирасимон дабба касалликларини кўмир саноати ишчилари, кон мастерлари, участка бошлиқлари ва ҳарбийлаштирилган кон қутқарув қисмлари сингари жангчиларининг касб касалликлари деб эътироф этиш мумкинлиги тўғрисидаги қарорни кўриб чиқиш ва бир ой муддат ичида қабул қилиш топширилсин.

16. СССР Давлат меҳнат ва социал масалалар комитети ВЦСПС билан биргаликда кўп йиллик хизмат учун (меҳнат интизоми бузилиши ҳолларидан ташқари) ҳақ тўлаш гарантияланиши тўғрисида, шунингдек вақтинча меҳнатга яроқсизлик муносабати билан тўланган пулларни ва отпуска пулларини, ўртача иш ҳаки миқдорида ҳисобланадиган барча мукофотларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида тегишли изоҳлар берсинлар.

17. СССР Кўмир саноати министрлигига бир ой муддат ичида ҳарбийлаштирилган кон-қутқарув қисмлари фаолияти тўғрисидаги норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш топширилсин.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Кузбассда ишлаётган комиссияси қабул қилган ушбу қарорлари мамлакатнинг барча кўмир регионларига тааллуқли эканлигини ҳамма меҳнаткашларга етказинг.

СССР КЎМИР САНОАТИ МИНИСТРИ ШЧАДОВ

ЯНГИ ЦЕХ ИШГА ТУШДИ

ЯНГИЙЎЛ район матлубот жамияти қошида янги консерва цехи ишга тушди. У замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда район хўжаликларидан келтирилган нархлар асосида харид қилиб олинган сабзавот ва мевалар қайта ишланади. Хом ашёни таркибини бузмай, сифатли асраш учун етарли шароитлар мавжуд. Улар совитиш қурилмалари билан таъминланган махсус хоналарда сақланади.

Цехда ҳозирча иш бир сменада ташкил этилган. Юз нафардан ортиқ ишчи ёшлар меҳнат қилишмоқда. Улар мавсум давомида уч миллион шартли банка маҳсулот тайёрлаб берадилар. Лекин цех коллективи учун бу чегара эмас. Мавжуд жиҳозлардан омилкорлик билан фойдаланиш учун ишлаб чиқаришни уч сменада ташкил этиш планлаштириляпти. Бу тайёрланадиган маҳсулот миқдорини етти-саккиз миллион шартли банкага етказиш имконини беради.

Цехда ишлаб чиқаришни бу даражада кенгайтириш учун ҳозирдан замин тайёрланмоқда. Жумладан шу кунларда пиёз қуритиш цехи барпо этиляпти.

Умуман цехнинг келажаги порлоқ дейиш мумкин. Чунки истиқболда унинг асосида колбаса, яхна ичимликлар ҳамда муҳаймоқлар тайёрланадиган цехлари ҳам бўлган комбинат барпо этилади.

Қ. ЖУМАҚУЛОВ.

ҚОНУН АМАЛ ҚИЛАЁТГАНИДА

20 июлга ўтар кечаси Конибодомда маҳаллий маъмурлар ва милиция ходимларининг қатъий ҳаракатлари туфайли безорилик можаросининг пайи қирқилди. Турли миллатга мансуб икки йигит ўртасидаги муштлашув бунга сабаб бўлди, бу муштлашув занжир, таёқ, тош билан қуролланган икки мухолиф гуруҳ ўртасидаги тўқнашувга айланиб кетди. Шаҳар маъмурлари вазиятни чамалаб, милиция ва ички қўшинлар бўлинмаларига ёрдам сўраб мурожаат қилдилар, ана шу бўлинмалар воқеа содир бўлган жойга шошилинч равишда етиб келишди. Оломонга тарқалиш таклиф қилинди. Аммо оломон оқилона таклифларга қулоқ солмади. Бир неча марта қилинган насиҳатлар ҳам ёрдам бермади. Шундан кейингина бундай ҳолларда қонунда кўзда тутилган куч қўлланилди. Боз устига огоҳлантириб осмонга ўқлар отилди.

Жароҳатланиб касалхонага ётқизилганлар йўқ, аммо 43 киши қўлга олинди. Шу туннинг ўзидаёқ Ленинобод область прокуратураси группавий безорилик ҳаракатлари юзасидан жиноий иш қўзғади.

Конибодом шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ю. Ёдгоров воқеани шундай таърифлади:

— Қонундан фойдаланиши шарт бўлган кишилар уни қўллади. Бу эса таъсир қилди. Можарога ўз вақтида аралашилмаганида у нимага олиб келиши мумкинлигини айтиш амри маҳол. Биз бундай воқеага йўл қўймаслик ва ундан келгуси учун сабоқ чиқариб олиш мақсадида партия фаолларини йиғиб, барча мишмишларга чек қўйишни ўйлаб содир бўлган воқеа тўғрисида аниқ ахборот бердик. Йиғилиш шаҳар комитети бюросининг аъзоларини, фаолларни аҳволни тушунтириб бериш учун меҳнат коллективларига ва микрорайонларга юборишга қарор қилди. Уруш ва меҳнат ветеранлари, байналминалчи жангчилар ишга жалб этилдилар. Шаҳар аҳолисига мурожаатнома ҳам қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси вазиятни нормаллаштирди. Можаронинг чиқишида, униқ авж олдирилишида айбдор бўлган ҳар бир кимса жазоланади, деб умид қиламиз.

Конибодомда содир бўлган воқеа республиканинг кенг жамоатчилиги ўртасида шов-шувга сабаб бўлди. Кўпчилик кишилар милиция ва ички қўшинларнинг ҳаракатларини маъқулламоқдалар, мамлакатнинг турли регионларидаги безорилар ва миллатчиларнинг кирдикорларидан ташвишланаётганликларини айтмоқдалар. Шу боисдан маъмурларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ғоят қатъий чоралар кўришларини кутмоқдалар. Шундай қилинган тақдирдагина ҳар бир граждан давлатнинг ҳимоясида бўлиб, Ватан бахт-саодати йўлида хотиржам меҳнат қилишига ишонч комил бўлиши мумкин.

Л. ПИЛЬМАН,
ТАСС мухбири.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ материаллари изидан

«Ўзим, ўртоғим, жияним учун...»

(Бир мақолага учинчи жавоб)

Газетанинг шу йил 26 май сонида босилган юқоридаги сарлавҳали рейд мақолада пойтахтимиздаги айрим савдо шахобчаларида аҳолига хизмат кўрсатишнинг қонун-қондалари қўпол равишда бузилаётганлиги ҳақида гап борганди.

Куни кеча шу мақола юзасидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо бош бошқармасининг бошлиғи Ғ. Ҳ. Мансуровдан жавоб олинди. Унда айтилишича мақола савдо бош бошқармасининг кенгайтирилган кенгашида савдо ташкилотларининг вакиллари иштирокида муҳокама қилинган ҳамда савдо қондаларини бузишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қўйидаги жазо чоралари қўлланилган:

Савдо қоидаларини мунтазам равишда бузганлиги учун Ҳамза район райпишчеторги бошлиғи Қ. О. Рахимжонов, савдо ишлари ва кадрлар бўйича директор ўринбосарлари Н. Шереметьева, Ш. Холматова, савдо ва ташкилий бўлимининг бошлиғи А. Тошмуҳамедов ва А. Собировлар II квартал мукофотидан 100 фоиз маҳрум этилдилар.

Йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этмагани, назоратни бўшаштириб юборгани учун «Ташгалантерейторг» директори А. Г. Гадойбоевга қаттиқ ҳайфсан, ташкилий бўлим бошлиғи М. Эргашевага ҳайфсан эълон қилинди. Савдо бўлими бошлиғи Н. Умаров II квартал мукофотидан маҳрум қилинди.

Назоратни бўшаштириб юборганлиги, айрим моллар-ни беркитиб сотилишига йўл қўйганлиги учун Тошкент шаҳар оёқ кийимлар савдоси идораси директор ўринбосари И. Тўлаганов, ташкилий бўлим бошлиғи Р. Зоитовалар II квартал мукофотидан 50 фоиз маҳрум қилиндилар.

● ПИСКЕНТ районидаги «Партия XXVI съезди» совхози ишчилари Камолхоновлар оиласида бўлиб ўтган ажойиб тўй тантанасида иштирок этдилар. Бу хонадонга шу совхоз агрономи Лутфи Мамедовнинг қизлари — Гулхоним ва Норхонимлар келин бўлиб тушдилар. Тўйда қатнашган турли миллат вакиллари қўш келин-куёвга қутлуғ тилаклар билдирдилар. СУРАТДА: келин-куёвларни кутиб олиш пайти.

М. НАЗАРОВ суратга олган.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

• Область халқ контроли комитетида

ПРОГРАММАЛАР ТУЗИЛЯПТИ—Ю...

ЎЗБЕКИСТОН қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати маъмурияти (директори П. Мақсудов, директор ўринбосари Ш. Нуриддинов) томонидан 2000 йилгача ишчи-хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган программа коллективдаги шароит ўрганилмай, етарли анализ қилинмай тузилган. Унда, шунингдек, моддий-техника ресурслари, имкониятлар, турар-жой қурилишида инженерлик таъминоти масалалари аниқ аксини топмаган.

1986 йилдан бери комбинатда Уй-жой программаси уч марта ишлаб чиқилди ва ҳаммаси ҳам реал эмас. Бу муҳим ишга юзаки, кампаниячилик нуқтан назаридан қаралмоқда. Унинг устига ҳужжатларда идорага қарашли бўш қолган уй-жойларни аниқлаш, кооператив уй, ёшлар турар-жой комплекслари қуришга ҳисса қўшишга истак билдирганлар, шахсий уй олмоқчи бўлган оилалар сони ва бошқа шу каби муҳим томонлар ўз аксини топмаган.

Комбинатда 1989 йилдан тадбиқ этилаётган турар-жой программаси аввалги икки программанинг деярлик ўзгинаси бўлиб, асосан уй-жой қурилишида улушли қатнашишга асосланган. Лекин бунда ҳам белгиланган миқдорга эришилмаяпти. Масалан, ўтказилган пулга нисбатан 1986 йилда 86 проценти, 1987 йилда 64 проценти, 1988 йилда 93 проценти миқдорида уй-жой олинди, холос.

Шуниси ажабланарлики, рақамлар турли планларда турлича кўрсатилади. Масалан, «Турар-жой», деб аталган программада 2000 йилгача улуш қўшиб қурилиш олиб боришга ҳар йили 2,7—3 миллион сўмдан ўтказилиб ҳаммаси бўлиб 32,8 миллион сўм ажратиш ва 2000 йилгача 77,9 минг квадрат-метр турар-жойга эга бўлиш айтилса, комплекс планда шу даврга 10 миллион сўм ажратиш ва 22,5 минг квадрат метр саҳнда уй-жой олиш қайд этилади. Мисоллар бу муҳим соҳага етарли эътибор берилмаётганини, масъулиятсизликни кўрсатиб турибди.

«Турар-жой» программасида комбинатга қарашли уй-жой фондини сақлашдек муҳим масала ўз аксини топмаган. Шунингдек, турар-жойларни капитал ремонт қилиш системаси ишлаб чиқилмаган.

Область халқ контроли комитети йиғилишида шу каби камчиликлар қаттиқ танқид қилинди. Комбинат директори П. Мақсудовга текшириш материаллари юзасидан коллективда йиғилиш ўтказиш, айбдорларга нисбатан чоралар кўриш, турар-жой муаммосини ҳал этиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаш топширилди.

ХИЗМАТ МАДАНИЯТИ НЕГА ПАСТ?

Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, область савдо бошқармаси (А. Холибоев), умумий овқатланиш бошқармаси (И. Икромов), маъмурий органларнинг 1986—1990 йиллар ва 2000 йилгача даврда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари моддий-техника базасини ривожлантириш ҳақидаги кўрсатмаларини бажара олмаяптилар. Бу ташкилотларда янги тармоқларни қуриш ва мавжудларини кенгайтириш юзасидан талаб даражасида иш қилишмаяпти. Турар-жой қурилишига нисбатан ажратиладиган беш процентлик маблағдан фойдалана олмаяптилар. Ваҳоланки, область миқёсида ҳозир 20 минг квадрат метрга яқин савдо майдони етишмайди. Умумий овқатланиш соҳасида; мактабларда 1,5 минг ўқувчи, ошхоналарда 1,8 минг хўранда жойи етишмайди.

Савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари механизация ва автоматлаштириш воситалари билан кам таъминланган. Омборларда лентали транспортёрлар, қўтариш-туширишмеханизмлари, кичик механизация етишмайди. Савдо ташкилотларини прогрессив ўз-ўзига хизмат усулига ўтказиш бўйича топшириқлар бажарилмай келинаётир. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари паст ҳароратли музхона-пештахта, агрегат, компрессорлар, машина ва механизмлар билан кам таъминланяпти. Шу билан бир қаторда қатор жойларда савдо-технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар етишмаяпти баҳонаси билан бўш ётибди.

Йиғилишда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишидаги камчиликлар қаттиқ танқид қилинди.

ШИКОЯТБОЗЛИККА МАЖБУР ЭТДИЛАР

Бир группа кишилар Тошкент авиаотрядига қарашли 258-болалар боғчасида (мудираси Т. Хохлова) молия интизоми бузилаётгани ҳақида СССР ва Республика халқ контроли комитетига шикоят ёзишди. Текширишда нуқсонлар тасдиқланди. М. Ғаниева гарчанд бирор кун боғчада ишламаган бўлса-да, 1985 йил октябрь ойидан бери ишчи сифатида ҳисобда турган. Лекин маошни шофёр К. Аблаев олиб келган. Ўриндошлик бўйича ҳам қонун-қоида бузилган. 72-дорихона провизор-технологи С. Сенчилина 1988 йилнинг 1 январидан боғчага қоровул сифатида қабул қилинган. С. Сенчилинанинг айтишича, у қоровулликка кела олмаса турмуш ўртоғи келган. 1988 йил ноябрь ойида маош олиш варақасидаги имзо текширилганда, у қалбаки эканлиги маълум бўлди.

Худди шундай мазмундаги шикоят хати илгари Сергели район халқ контроли комитетига ҳам тушган. Текширув материалларини ўрганиш шуни кўрсатдики, коллектив суратда ёзилган шикоят Сергели район халқ контроли комитети томонидан яхши ўрганилмаган. Юзаки текширилган. Бу эса кишиларни юқори ташкилотларга қайта мурожаат этишга мажбур қилган. Сўнг хат текшириш учун Тошкент шаҳар халқ контроли комитетига жўнатилди. Штат-молия интизоми бузилаётгани, озиқ-овқат маҳсулотлари устидан назоратнинг етишмаслиги аниқланди. Материаллар чора кўриш учун авиаотрядга юборилди. Бироқ, Тошкент авиаотрядида (командири У. Ғозиназаров) лойиқ чора белгиланмади. Болалар боғчаси мудираси Т. Хохлова ва жамоатчи кассир Волянская огоҳлантирилдилар, холос. Натижада шикоят ёзганлар яна СССР халқ контроли комитетига мурожаат этишга мажбур бўлдилар.

Сўнгги текширувлардан маълум бўлдики, боғча маъмурияти камчиликларни тегишли хулоса чиқармаган. Тошкент шаҳар ва Сергели район халқ контроли комитетлари шикоятни текширганда, раҳбарларнинг юзидан ўта олмай, принципиаллик кўрсатмаганлар. Бу ҳол эса ҳақли суратда шикоятчиларнинг эътирозига ва оворагарчиликларга сабабчи бўлди.

Тошкент авиаотряди маъмуриятига ўн кун ичида Т. Хохлова масаласини кўриб чиқиш ва кўзбўямачиликка йўл қўйган кишиларга нисбатан чоралар кўриш топширилди.

ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ ВА СОЦИАЛ МАСАЛАЛАР

НОРОЗИЛИКЛАР КЎП ЭДИ

Кишилар маиший, савдо, почта, транспорт ва бошқа турли хизмат соҳалари ишига қараб ҳукумат ишларига баҳо берадилар. Биз халқ назоратчиларининг эътиборини ана шу ҳаётий масалаларга қаратишга интиляпмиз.

Район алоқа бўлими ишини текширдик. Телефон тармоқлари эҳтиёжга нисбатан анча кам. Бунинг устига кўчалар, жамоат жойларидаги телефонларнинг кўпи носоз. Шаҳарлараро телефон бор-йўғи иккитагина бўлиб, умуман талабга жавоб бермайди. Район алоқа хизмати кўп йиллардан бери планларни бажармай келган. Ускуналар вақтида ўрнатилмагани учун телефон станцияси тўла қувват биалн ишлатилмаган.

Хуллас, район халқ контроли комитети йиғилишида бу каби камчиликлар қаттиқ танқид қилинди. Алоқа бўлими бошлиғи В. Худойберганова қаттиқ ҳайфсан, бўлинма бошлиғи И. Исоқова ҳайфсан берилди. Лекин асосий эътибор номигагина қарор чиқаришга эмас, камчиликларни бартараф этишга қаратилди. Маълум муддат ўтгач, комитетда қабул қилинган қарорнинг ижроси текширилди, алоҳида муҳокамага қўйилди. Унда яна қўшимча тадбирлар белгиланди. Шундан сўнггина ишда катта ўзгаришлар содир бўлди. Аввало 1985 йилдан бери ниҳоясига етказилмай ётган 2 минг номерли телефон станцияси ишга туширилди. Шифохоналар, маданий-маиший объектларда, аҳоли кўп тўпланадиган жойларда янги телефон автоматлари ўрнатилди. Зафар шаҳрининг ўзида жамоат жойларида ўнга яқин телефон-автомат пайдо бўлди. Илгари шаҳарлараро телефон станциясида одамлар соатлаб навбат кутиб ўтиришган бўлса, энди кишилар уйларидаги телефон билан код орқали мамлакатнинг истаган жойига қўнғироқ қилишлари мумкин.

Шунингдек, вақтли матбуот тарқатиш ишларини ҳам ўргандик. Жойларда бўлганимизда почта ишлари қониқарсиз эканлигининг гувоҳи бўлдик. «Союзпечать» билан алоқа бўлимлари ўртасида ташкилий ишлар яхши уюштирилмаганлиги учун обуначилар газета ва журналларни ўз вақтида олишмаган, кечикиб келган ёки чалкаштириб тарқатилган. Бу эса ўз вақтида обуначиларнинг ҳақли эътирозларига сабабчи бўлган. Бу каби камчиликлар кўп. Район алоқа бўлими бош инженери С. Жўраев, почта бўлими бошлиғи Н. Мавлоновларга нисбатан чоралар кўрилди.

А. ҚОДИРОВ,
Бекобод район халқ контроли комитетининг раиси.

★

★

— Кўп сув ичаверма, сутингга қўшилиб кетади...

— Барибир соғиб олганларидан кейин ҳам қўшилади-ку!

— Итим янги, сизни танимаган бўлиши мумкин, прораб ўғлим...

— Заводингиздан чиқаётган тутун атроф муҳитни заҳарлаяпти деб яна арз қилиб келишибди.

— Шунга ҳам шунча тўпалонми, жарима тўлар эканмиз деб қўйинг, бўлди.

Б. ТОЖИЕВ ва М. УНГАРОВ чизган расмлар.

• Ибратли оилалар даврасида

СЕРФАРЗАНД ХОНАДОН СОҲИБИ

Собир Раҳимов районидаги «Правда» маҳалласида ўзига хос тантана бўлди. Маҳалла жамоатчилиги партия ва меҳнат ветерани, кекса педагог Ҳусниддин ота билан Қаҳрамон она Саломатхон ая Нуриддиновларнинг олтин тўйларини нишонлади. Тўй кунларида катта хонадон фарзандлари ота-она бағрини яна тўлдиришди, уларни олтин тўйлари билан қутлаб, қучоқ тўла гуллар тақдим этишди. Кенг дастурхон атрофида ширин суҳбатлар, ибратли гаплар бўлди. Тўй баҳона умр дафтари саҳифалари очилди.

— Ҳусниддин ота, ёшлигингизда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлаган бўлсангиз ҳам умр бўйи ҳунар-техника таълими системасида педагоглик қилдингиз. Бу касбнинг сизга нимаси ёқиб қолган эди?

— Тўғри, асосий касбим инженер бўлса ҳам ўзимни педагог, муаллим деб ҳисоблайман. Балки болажонлигим мени шу соҳага етаклагандир, болаларни севганим учун ҳам тўрт ўғил, етти қиз кўриб, серфарзанд оила соҳиби бўлгандирман. Болаларсиз, гавжум хонадонсиз ҳаёт лаззатини сезмайман.

Ўқитувчилик касбига институтнинг учинчи курсида ўқиб юрган кезларимдаёқ меҳр қўйган эдим. Дастлаб Чигатойдаги 111-мактабда дарс бердим. Сўнг ўз тақдиримни ҳунар-техника таълими билан боғладим. Қирқ беш йил ишчи кадрлар тайёрлаш билан банд бўлдим. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси деган унвон шунинг учун берилган. Айни пайтда билим юртларини кенгайтириш, педагог кадрлар маҳоратини ошириш билан ҳам шуғулландим. Билим юртларига раҳбарлик қилган кезларимда муносиб ўринбосарлар тайёрладим. Шогирдларимдан У. Бобоев кейинчалик 119-, С. Содикова эса 4-ҳунар-техника билим юртларига раҳбар этиб тайинландилар.

Тўй-ҳашамларда танишнотаниш одамлар келиб сўрашиб қолишади. Олдинига эслолмай тураман. Улар ким? Кейин эслайман — ахир бўлар қўлимизда билим олган ишчи кадрлар-ку! Уларнинг аксарияти эндиликда ишлаб чиқариш командирлари бўлишган, қайта қуришга қанот бағишлашяпти. Шунда педагоглик нақадар олижаноб касб-да, деб кўяман. Маслаҳатим билан тўрт фарзандим ҳам педагоглик касбини танлашган. Улар ҳар йили неча ўнлаб ўғил-қизларни мустақил ҳаётга узатишяпти. Бу ёшлар таълим берган, ҳунар ўргатган ўз муаллимларини ҳеч қачон унутмайдилар. Қаерда бўлсалар албатта таъзим бажо келтирадилар. Бунга ишончим комил.

— Сизни ҳеч ким етмиш ёшга тўлган демайди. Қадди-қоматингиз ғоздек, қадам олишларингиз йигитлардек. Кексайганда ҳам бардам юриш ғоят гаштли-да.

— Серҳаракат, меҳнатсевар, саҳий одам ҳамиша бардам бўлади. Эсимни таниганимдан бери меҳнат қиламан. Шу ҳовлимиз бир пайтлар кенг майдон эди. Ўртадан шарқираб сув оқарди. Бир куни ариқдан қизил олма оқиб келди. Икки ўғлим уни талашиб қолишди. Шундан кейин боғ яратиш хаёлимдан ўтди. Акам Тожихўжа уста деҳқон, моҳир боғбон эди. Кўчат берди, пайванд ишларини ўргатди. Қисқа вақт ичида ҳовлимиз кўркам боғга айланди. Ишдан келибоқ ўзимни боғга урардим. Ниҳолларни парваришлардим, шакл берардим, ҳосилини териб болаларга улашардим.

Ҳозир ҳам шу одатимни қўймайман. Қўлимда ҳамиша ток қайчи билан кетмон. Боғ оралаб завқ оламан. Бир туп дарахтда уч-тўрт хилдан ўрик, олхўри, олма пишиб турса, қандай яхши. Боғимда нокдан тортиб жийдагача, анжирдан тортиб бодомгача бор. Кунига дарахтлар оралаб боғда қанча йўл босиб қўйганлигимни ўзим ҳам билмайман. Ҳаракат ва меҳнат мени ҳеч қаритмайди.

Юқорида саҳийликни тилга олдик. Кўриб турибсиз, фарзандларимнинг барчаси уйли-жойли бўлиб кетган. Қизларим участкаларга келин бўлиб тушган. Ўғилларим ҳам ўз оиласи билан алоҳида туришади. Уларнинг бирортаси ҳам бозордан ёки магазиндан ҳўл мева сотиб олмайди. Ҳовлимдаги энг яхши кўчатлардан уларга ҳам берганман. Парваришлашни, пайвандлашга ўргатганман. Бориб қолсам шу кўчатларнинг мевасидан узиб чиқишади, кўнглим тоғдек кўтарилади.

— Демак, кекса авлод анъанаси давом этяпти, яхшилардан боғлар қолаяпти, боғларга эса ёшлар меҳри тушаяпти...

— Шундай. Боғли одам бекор қолмайди. Доимо бирор юмуш билан банд бўлади. Юмуш билан банд одамнинг эса ғиди-ғидига вақти қолмайди. Балки барча фарзандларим оиласининг тинч ва осойишталиги шунданди. Ўғил-қизларимнинг ҳамаси ўзига мустақил. Эркин яшашлари учун барча шароитлар бор. Биз уларнинг ички ишларига ҳуда-беҳудага аралашаверишни, баъзи ота-оналардек топармон-тутармон фарзандларга ўнг кўз билан, ночорроқларига чап кўз билан қарашни хуш кўрмаймиз. Барчаси бирдек азиз. Туғилган кунларини дафтарчамизга ёзиб қўйганмиз. Ўша куни албатта бориб қутлаб келамиз. Байрам кунлари эса барча фарзандларимиз бола-чақалари билан бизни йўқлаб келишади. Ҳозир ўн бир фарзандан 42 набира ва 10 эвара кўрганмиз. Ҳаммалари йиғилишса кенг ҳовлимиз ҳудди тўйхонага айланиб кетади. Бундай йиғинлар ёшларни бир-бирларига янада яқинлаштиради, ўзаро меҳр-муҳаббатларини оширади. Шунда серфарзанд хонадоннинг файзи ўзгача бўлишини яна ҳам чуқурроқ ҳис этаман.

— Ёшларнинг аҳиллиги яна қандай омилларга боғлиқ?

— Имкони борича қуёв билан келиннинг билим савияси, дунёқараши, қизиқиши бир-бирига яқин бўлиши керак. Фарзандларимнинг саккиз нафари олий маълумотли, уч нафари эса ўрта махсус маълумотлидир. Келин-куёвларим ҳам ўқимишли, бири ҳатто фан кандидати. Ёшлар бир-бирларига муносиб бўлганликлари учун ҳам ҳаётлари ширин.

Биз ёшлигимиздан фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор берганмиз. Ҳозир набиралар, эваралар тарбияси устида қайғураяпмиз. Уларни илмга, ҳунарга қизиқтирмоқдамиз. Тўнғич фарзандимиз марҳум Шарофиддиннинг қизи Малоҳатхон ҳадемай ТошМИни тамомлайди. Унинг укаси Камолиддин эса Тошкент политехника институтида таҳсил кўраяпти. Шарофиддиндан кейинги ўғлимиз Асомиддиннинг фарзандлари ҳунарга берилишяпти. Бошқа набиралардан ҳам кўнглимиз тўқ.

— Демак, оиладан, фарзандлардан кўнгли тўқ одамнинг иши ҳам баракали бўлар экан-да. Жамоат ишларидаги фаоллигингиз балки шундандир?

— Маҳалладаги жамоат ишларини бизга ўхшаш пенсионерлар қилмаса ким қилади? Туриб қолса сув ҳам бузилади, деган гап бор. Шундай экан, кексалар доимо ҳаракатда бўлишлари керак. Маҳалламизда 630 та хонадон бор. Ободончилик ишлари менга юклатилган. Кўпчиликнинг кучи билан ҳаммаёқни тартибга келтирдик. Ариқларда шарқираб сувлар оқаяпти. Кўчалар асфальтланди. Айни пайтда аҳолининг талаб ва истакларини ҳам амалга ошираяпман. Кейинги пайтларда елиб-югуриб 40 та хонадонга телефон туширдим. Уйлар эса тўла газлаштирилди.

Маҳалла клуби ишини жонлантириш ҳам менга юкланган. 111-, 243-ўрта мактаб педагоглари билан бамаслаҳат клубда ёш санъаткорлар конкурсини ўтказдик. Дам олиш кунлари қизиқарли учрашувлар, лекция ва суҳбатлар уюштираяпмиз. Аҳолига қулай бўлсин деб янги тандирхона очдик. Оилавий тантаналар, кундалик рўзғор учун бўрсилдоқ нонлар керак бўлса, марҳамат, новвойларимиз хизматда.

Катта маҳалланинг ташвишлари ҳам катта бўлади. Мавжуд муаммоларни ҳал этишда Ҳамидулла Даминов, Тешабой Отауллаев, Фахриддин Ғуломов, Одил Юсупов каби ҳурматли отахонлар жамоатчи коммунист Ҳусниддин Нуриддинов ёнида туришибди. Отахонлар ҳамиша бир сафда. Улар оилавий тантанага ҳам бош-қош бўлиб, даврага файз-барака киритдилар. Бу хонадон бутун маҳаллага намуна. Ибратли оилалар қанчалик кўп бўлса, бундан олам шунчалик мунаввардир.

Ж. НОСИРОВ.

Суратда: Ҳусниддин ота ва Саломатхон ая ўғил-қизлари, невара ва эваралари даврасида.

А. ЗУФАРОВ суратга олган.

● ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ ВА ЭКОЛОГИЯ

АВВАЛО ОДАМЛАР СОҒЛИГИНИ ЎЙЛАЙЛИК

Хирмонни ўйладик-ку, лекин халқ соғлиғини унутдик. Минерал ўғитларни ишлатавердик, заҳарли дориларни сепавердик. Булар ҳаммаси табиат мувозанатига салбий таъсир кўрсатди.

Менимча, мажлисларда гапирган, қоғозларда чиройли қилиб ёзган билан иш битмайди. Амалий иш қилиш керак. Табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг кескин чораларини кўриш лозим. Бўлмаса оқибати яна ҳам ёмон бўлиши турган гап.

Район халқ контроли комитети ўз фаолиятида экология масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Бу борада қатор рейд ва текширишлар ўтказдик. Уларга турли жамоат ташкилотлари жалб этилди.

Район санитария-эпидемиология станцияси ҳузурида тупроқ, сув, ҳавода, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларида заҳарли моддалар, кимёвий дориларнинг миқдорини аниқловчи лаборатория мавжуд. Улар билан ҳамкорликда қатор ишлар қилинди.

Алимкент пахта тозалаш заводининг цехларида ўлчаш ишлари олиб борилганида чанг нормага нисбатан 1,5—3,5 бараварга кўплиги аниқланди. Шу корхонанинг пайвандлаш бўлинмасида ҳавода газлар аралашмаси белгиланганига қараганда 20 бараварга кўп экан.

Оққўрғон пахта тозалаш заводида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Корхона территориясида чанг нормадагидан 2—4 баравар ортиқ. Аҳвол шу даражадаки, ошхонада ўтириб бемалол овқатланиб бўлмайди. Корхона аҳоли яшаш жойи билан ёнма-ён. Заводдан чиқаётган чанг атрофга тарқалиб кишилар саломатлигига таъсир қилмоқда. Ҳатто боғчагача тўзиб боради. Лекин бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Сув ҳавзаларининг ифлосланаётгани ташвишланарли ҳолдир. Ангрен дарёсининг санитария ҳолати йилдан-йилга ёмонлашиб бормоқда. Яқинда сувнинг ифлосланиш даражаси текшириб кўрилди.

Текшириш натижаларидан маълум бўлдики, райондаги кўпгина корхона, ташкилотлар раҳбарлари сув ҳавзаларини покиза сақлаш масалалари билан етарли шуғулланмаяптилар. Корхоналар истеъмолидан чиққан сув тозаланмай, қайта ишланмай дарёга оқизиляпти. Айниқса, Алимкент пахта тозалаш заводи, марказий район шифохонаси раҳбарлари масъулиятсизлик қилмоқдалар.

Райондаги корхоналар текширилганда биронтасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан шу кун талаби даражасида иш олиб борилаётганини сезмадик. Биз масалага чуқурроқ қарашга интилдик. Район аҳолиси саломатлиги билан боғлиқ бўлган айрим рақамларни ўргандик. Маълум бўлишича, саноат корхоналари, хусусан пахта тозалаш заводлари жойлашган территорияларда кишилар нафас олиш органларининг касалликка чалиниши бошқа зоналарга нисбатан сезиларли кўп. Шароитдан келиб чиқиб, корхоналарда тозалаш, чанг ушловчи ускуналарни ўрнатиш, эскиларини янгилаш лозим.

Албатта атроф-муҳитни булғатишга «ҳисса» қўшаётган мутасадди ўртоқларга нисбатан чоралар кўрилмоқда. Бу гал текширишни ўтказгач атрофлича мулоҳаза юритишга ҳаракат қилдик. Фақат халқ контроли комитетининг жарималари билан иш битмаслиги аниқ. Чунки бундай янги, замонавий ускуналарни сотиб олиш учун маблағ, қолаверса рухсат керак. Айрим цехлар, ишлаб чиқариш бўлинмаларини реконструкция қилиш лозим. Яна бошқа ташкилий ишларга эҳтиёж бор. Шунинг учун биз бу борадаги барча текшириш натижалари, фикр-мулоҳазаларимизни жамлаб, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетида кўриб чиқиш учун топширдик. Депутатлар фикрларимизни инобатга олиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўлида тадбирлар белгилайдилар ва ишчанлик билан амалга оширадилар деб ўйлаймиз.

Ш. ХОЛИҚУЛОВ,
Оққўрғон район халқ контроли комитетининг инспектори.

В. ШУКШИН ТАВАЛЛУДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ

ЁЗУВЧИ, АКТЁР, РЕЖИССЁР



МАШҲУР совет адиби, истеъдодли киносанъаткор, Ленин мукофоти лауреати Василий Макарович Шукшин (1929—1974) ҳаёт бўлганида 60 ёшга тўларди.

Аммо бундан 15 йил аввал бевақт ўлим бу ажойиб ижодкорни орамиздан олиб кетди. У жисман йўқ бўлсада, ўзининг ғоявий-бадиий жиҳатдан пухта ҳикоялари, қисса ва романлари билан миллион-миллионлаб китобхонларнинг меҳр-муҳаббатини қозонган. Ёзувчининг бетакрор истеъдоди яратган адабий қаҳрамонлари — оддий деҳқон, ҳайдовчи, тракторчи, ўқитувчи ва бошқа касбдаги кишилар ўзига хос хулқ-атворлари, хатти-ҳаракатлари ва маънавий дунёси билан тасаввуримиздан мустаҳкам ўрин олган.

В. Шукшин Сибирдаги Сростки деган қишлоқда деҳқон оиласида таваллуд топди. Василий отасини яхши эслай олмасди: уни 1933 йилда ОГПУ томонидан қамоққа олишган. Кейинги тақдири ҳам номаълум. Чорак аср ўтгач, у ўлимидан сўнг 1956 йилда оқланганди. Шунга қарамай онаси бутун ҳаёти давомида Василий билан бирга бўлди. У ўғлининг ҳар жиҳатдан етук инсон бўлиб етишиши учун қайғурди.

Шукшиннинг болалиги уруш йилларига тўғри келди. У баҳоли қудрат колхозда ишлаётган онасига пичан ўриш, чорва молларини боқишда кўмаклашарди. Ана шу йилларда ёш Василийда китоб ўқишга чексиз иштиёқ туғилди. У қўлига тушиб қолган ҳар қандай китобни қаерда бўлмасин, ҳатто тунлари ухламасдан ўқиб чиқарди... Агар Ленинграддан бу қишлоққа кўчиб келган муаллимага дуч келмаганида, ким билсин, бу нима билан тугашини? Шогирдидаги тиришқоқлик ва билимга чанқоқликни сезган муаллима унга мутолаа қилиш учун энг сара китобларнинг рўйхатини тузиб берди. Василийни дастлабки ижодий изланишларга руҳлантирган ҳам ана шу ўқитувчи бўлди.

В. Шукшин 1946 йилда қишлоқдан чиқиб кетди. У турли касбларнинг этагини тутди: бўёқчилик, кейин слесарлик билан шуғулланди. Армияда денгизчи-алоқачи бўлиб хизмат қилди.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган Василий 1954 йилда бирон бир институтда таълим олиш мақсадида Москвага борди. Таниқли кинорежиссёр М. Ромм ёрдамида Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтига ўқишга кирди. В. Шукшин талабалик йилларидаёқ ўзининг «Любавинлар» романи устида иш бошлади. Режиссёр М. Хуциевнинг «Икки Фёдор» картинасида суратга тушди, матбуотда «Аравадаги икки киши» номли илк ҳикоясини эълон қилди.

Институтни тугатгандан сўнг Василий Макарович асосан актёр сифатида эътибор қозона бошлади. Турли мавзудаги картиналарда катта-кичик ролларни ўйнади. Режиссёр сифатида эса у 1964 йилдан бошлаб танилди. В. Шукшин шу йили суратга олган «Шундай йигит яшайди» фильми Венецияда ўтказилган XVI халқаро кинофестивалда «Олтин шер» соврини билан тақдирланди. Шундан сўнг у ўзининг асарлари асосида «Сизнинг ўғлингиз ва акангиз», «Ғалати одамлар» сингари бадиий ленталар устида ишлади. Айниқса, В. Шукшинга «Қизил бодрезак» фильми жуда катта шуҳрат келтирди. Санъаткор бу картинасида қамалиб чиққан ўғри — Е. Прокудиннинг мураккаб маънавий-руҳий дунёсини кўрсатишни асосий мақсад қилиб қўяди. У ҳибсдан чиқиб келгач, ҳаётда ўз ўрнини топишга, оила қуришга, бошқа одамлар сингари ҳалол тер тўкиб меҳнат қилишга ҳаракат қилади. Аммо бу осонликча юз бермайди. В. Шукшин ҳам режиссёр, ҳам актёр сифатида бу мағрур ва мустақил характерли шахс — Е. Прокудиннинг ҳар бир хатти-ҳаракатини ғоят жонли ва ишонарли кўрсатади. Ўша пайтда баъзи бир танқидчилар фильм ижодкорини нотўғри қаҳрамон танлаганликда айбладилар.

Василий Макарович бадиий ижодини ҳам узлуксиз давом эттирди. У «Хўроз қичқиргунча» қиссасини, Россия тарихида ўчмас из қолдирган халқ қаҳрамони Степан Разин ҳақидаги «Мен сизларга эрк бергани келдим» романини ёзиб тугатди. У бу йирик насрий полотно асосида фильм ишлаб, ундаги бош қаҳрамон образини ҳам ўзи яратишни режалаштирган эди. Сўнгра Москвани тарк этиб, ўзининг қадрдон қишлоғига қайтиш, қолган умрини Шолохов сингари бутунлай бадиий ижодга бағишлаш ниятида эди. Аммо санъаткорнинг бу эзгу орзулари ушалмай қолди. У машҳур режиссёр С. Бондарчук раҳбарлигида ишланган «Улар Ватан учун жанг қилдилар» картинасида оддий солдат ролини ўйнаб, фильм якунланаётган бир пайтда пароход каютасида юрак хасталигидан вафот этди.

Адибнинг самимий руҳ ва енгил юмор билан йўғрилган қатор ҳикоялари У. Ҳошимов ва Х. Султонов таржимасида адабиёт ихлосмандларига тақдим этилди. Бундан ташқари, унинг «Хўроз қичқиргунча» қиссаси, «Любавинлар» романи ҳам халқимизнинг маънавий мулкига айланди. Ўйлаймизки, атоқли санъаткорнинг бадиий тафаккури яратган ғоят бой маънавий хазинага ҳали кўпдан-кўп авлодлар қайта-қайта мурожаат этадилар.

Р. ҒАНИЕВ.

Телевизион конкурсда қатнашиб

МАРКАЗИЙ телевидение орқали намойиш этилган «Қувноқ нотачалар» телевизион конкурси кўрсатувида асосан кичик ёшдаги истеъдодли болалар қатнашдилар. Серқуёш республикамиздан борган кичик санъаткорларнинг чиқишлари ҳам томошабинларга қувноқ кайфият бағишлади.

Бўстонлиқ районининг Хўжакент қишлоғида жойлашган болалар боғчаси ансамбли ушбу музикали программага атаб қатор қизиқарли қўшиқларни тайёрлашган эди. Ижодий кўрикда қатнашган боғча группаси фольклор музикасига доир қўшиқларни ҳам ижро этди.

Останкино концерт студиясида кўрсатилиб, Бутуниттифоқ телевидениеси орқали трансляция қилинган «Қувноқ нотачалар» кўрик-концертидан жажжи ижрочилар муваффақият қозониб қайтдилар.

С. ОДИЛОВА.

● **ОБЛАСТИМИЗ районларида ташкил этилаётган миллий маданият марказларида турли халқларнинг унутилаётган қадимий урф-одатлари, хунармандчиликлари тикланмоқда. Жумладан, ана шундай қўли гул ҳунар усталаридан бири Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводида истиқомат қилувчи Солиҳа Саримсоқовадир. Қозоқча олача тўқиш бўйича С. Саримсоқованинг олдига тушадигани йўқ. Суратда: моҳир хунарманд янги тўқиб тугатган гиламини пардоздан чиқармоқда.**

М. НАЗАРОВ суратга олган.

САНЪАТКОРЛАР ДАЛАЛАРДА

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ аксарият санъат даргоҳлари айни кунларда дала шийпонлари, завод ва фабрика клубларига кўчган. Бу ерда улар дала меҳнаткашлари ва ишчи-хизматчиларнинг кўнгилли дам олишларига хизмат қилмоқдалар.

М. Қориёқубов номли Ўзбекистон Давлат филармонияси қошидаги «Лазги» вокал-хореографик ансамбли бир неча кундан бери Урганч шаҳрида ўз гастролларини муваффақиятли ўтказмоқда. Республика мақомчилар конкурсининг лауреати Раҳматжон Қурбонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсара Еқубова ижросидаги ашула ва яллалар, раққоса қизларнинг жозибали хиромларини меҳнаткашлар олқиш билан қарши олмоқдалар.

Филармония қошидаги «Зарафшон» вокал-хореографик ансамбли ҳам Чирчиқдаги химиклар маданият саройида ўз санъатларини намойиш қиляптилар. Икки йил аввал тузилган бу коллективнинг «Зарафшон воҳаси» бадиий-хореографик программаси чирчиқликларни хушнуд этмоқда.

«Шодлик» ансамбли ҳам шу кунларда гастроль сафарига чиқишга ҳозирлик кўрмоқда.

З. РАШИДОВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Тошкент «Ташстройтранс» транспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг

4-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА:

Прицепли ва ярим прицепли «МАЗ», «КрАЗ», «КамАЗ», «ММЗ», «ЗИЛ» маркаларидаги юк автомобилларида ишлаш учун «В, С, Е» категорияларидаги 1, 2, 3-класс ҳайдовчилари.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланади. Ишга Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг Коммунистик районида пропискада турувчи ҳайдовчилар қабул қилинади.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 6-уй ёки Аҳолини ишга жойлаштириш Ҳамза район бўлими — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.

ҚУШЛАР ГОЛЛАНДИЯДАН КЕЛТИРИЛДИ

ҲАР БИР кишини ёшлигида ҳайвонот боғида бўлгиси, у ердаги ажойиб жониворларни кўргиси, бироз бўлсада уларга овқат бергиси келади, албатта. Айниқса, ёз фаслида — ўқувчиларнинг таътил дамларида пойтахтимиздаги ҳайвонот боғи болалар билан гавжум бўлади. Ана шу кичкинтойларнинг дилини хушнуд этиш, уларда жониворларга бўлган меҳрни уйғотиш учун ҳайвонот боғи коллективи ибратли ишларни амалга оширмоқда. Улар Ер юзининг турли чеккаларида бўлиб «Қизил китоб»га киритилган, республикамизда бўлмайдиган ҳайвонларни келтиришмоқда. Ҳозирда бу ерда 270 дан ортиқ турдаги ҳайвонлар мавжуд. Куни кеча уларнинг сафи янада кенгайди. Ҳайвонот боғига Голландиядан тустовуқнинг ноёб турларидан ҳисобланган «Трагопан» ва «Тиминка»лар келтирилди. Шунингдек, Ватани Гвинея бўлган «Турако» қуши ҳам Тошкент ҳайвонот боғида истиқомат қила бошлади.

Аммо баъзи бир нодонлар кичкинтойлар севинчига севинч улашаётган ана шу жониворлар ҳаётига зомин бўлмоқдалар. Улар ҳайвонот боғига кириб, тобора сафи камайиб бораётган нодир қушларни турли хил буюмлар — калтак, ёғоч, темирлар билан уриб, ўлдириб кетишмоқда. Биргина фламинго қушини олиб кўрайлик. Ўтган йили безорнлар томонидан уларнинг 7 таси, бу йил эса 4 таси ваҳшийларча ўлдирилган.

М. ШОЮСУПОВА.

САҲНАДА ЎТТИЗ ЙИЛ

ЎТТИЗ йилдирки, бу бадиий ҳаваскорлик коллективи жўшқин фаолият кўрсатиб келмоқда. Тошкент электрон техника заводи клубида иш олиб бораётган мазкур рақс ансамбли шу даврнчида ижрочилик маҳоратини янада оширди.

Коллективни Туркистон Ҳарбий округи ашула ва рақс ансамблининг истеъдодли солисти И. Исмоилов ташкил этган эди. Унинг раҳбарлигида рақс коллективи янги-янги рақсларни саҳнага олиб чиқди. Кўплаб концерт программалари яратилди.

Айни кунда рақс ансамбли ўзининг ўттиз йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шу сана олдидан у қатор гастроль сафарларида бўлиб қайтди. Молдавияда ўтган эстрада рақслари Бутуниттифоқ фестиваль-конкурсида ҳам мазкур ансамбль муваффақият қозонди. Ўз ижрочилик маҳоратини намойиш қилган бир группа истеъдодли ҳаваскорлар фестиваль-конкурсда учинчи ўринни эгаллаб, лауреат дипломи ҳамда совринли мукофотларни қўлга киритишди.

А. АЛИЕВ.

• АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ТАРМОҚЛАРИДА ТАҚЧИЛЛИКНИ КИМЛАР ВУЖУДГА КЕЛТИРМОҚДА?

ЗАРАРКУНАНДАЛИК

Ўзбекистон телевидениеси, «Тошкент ҳақиқати» газетаси ва Тошкент область ҳамда шаҳар БХСС хизматларининг қўшма рейди

ШУНДАЙ бир фактни кўз олдингизга келтиринг: Тошкентдек шаҳри азимда бирон озиқ-овқат магазинида гўшт бемалол сотилаётганини кўрганмисиз? Йўқ! Бироқ... деярли ҳамманинг уйида гўшт бор.

Энди шунга ўхшаш бошқа бир факт: автошина камёб, аккумулятор камёб, кольца ва поршенлар камёб, яна бошқа ўнлаб қисмлар камёб. Яъни, йўқ. На магазинда, на автомобилларга техника хизмати кўрсатиш станцияларида. Бироқ... бу «камёб»ларнинг биронтаси йўқлиги сабабли кимнинг машинаси юрмай уйида қантарилиб турибди? Ҳеч кимнинг!

Энди табиий савол туғилади: минглаб, ўн минглаб одамлар «йўқ» эҳтиёт қисмларни қаердан олишяпти? Ойдан олиб келишмаяпти, Зуҳродан ҳам эмас, ҳатто Москва, Ленинграддан ҳам эмас. Ўзимиздан — Ўзбекистондан. Демак, «камёб» эҳтиёт қисмлар оғизда йўқ бўлгани билан амалда бор. Фақат, пештахта ортида, хуфёна омборларда. Бу омборларга йўл топишингиз керак. «Йўл»ни таниш орқали, қабул қилувчи мастерга, омбор мудирига, омборчига ўз «улушлари»ни яъни камёб деталнинг «шапкаси»ё «қалпоғи»ни бериш орқали топасиз.

Шу тарика, Ўзбекистонда, Тошкентда, пойтахт областида сунъий «камёб»лик, сунъий, «йўқ-йўқ»лар вужудга келтирилмоқда. Бу эса мана шу «вужудга келтирувчилар»нинг чўнтагини қаппайтиришга хизмат қилмоқда.

Биз эртак ёзаётганимиз йўқ. Асоссиз олди-қочди гаплар билан оғиз кўпиртирмаяпмиз. Юқорида айтилган фикрлар — рейд давомида учраган факт ва воқеаларнинг ҳаётий маҳсулидир.

Масалан, «Ташавтотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Юнусободдаги 2-станциясида минглаб одамлар 1988 йилдан буён автошинага навбатда тургани ҳолда, станциянинг гадойтопмас омборида 600 та (!) «ноль саккиз»нинг резина ғилдираги тоғдек уйилиб ётганини нима билан изоҳлаш мумкин? Бу омборга ҳатто сим тортиб телевидение учун суратга олишнинг ҳам имкони бўлмади: шунчалик «нобоп» ерда жойлашган. Ёки «ноль тўққиз»нинг олд ойнаси ҳозир бозорда бир ярим минг сўмга чиқиб кетганини автоҳаваскорлар яхши билишади. Ўша нархга ҳам топилса хўп гап. Чилонзорнинг 8-кварталида жойлашган 1-автомобилларга техника хизмати кўрсатиш станциясида ана шу даражадаги «дефицит»дан 18 таси беозоргина яшириниб ётибди.

— «Лобовой»ни хоҳлаган одамга ёзиб берамиз, бемалол,— дейди бу станцияга кўп йиллардан бери раҳбарлик қилиб келаётган И. Караханов.

Игорь Гургеновичнинг, кап-катта раҳбар одамнинг башарангга қараб туриб ёлғон гапираётганидан жаҳлинг чиқишини ҳам, ҳижолат бўлишингни ҳам билмайсан. Хўп, ўртоқ директор, агар у ойна бемалол бўлса, нега буюртма қабул қиладиган жойда камёб эҳтиёт қисмлар экранида у ойна борлиги кўрсатилмаган?! Аслида 100 сўмдан ортиқроқ, бозорда ўн беш баравар қиммат бу ойнани сўраб, авваламбор ҳеч ким станцияга келмайди. Мабодо биронта соддароқ одам сўраб келса, мастер Азиз-Азаматдан бошлаб директоргача у одамнинг соғ эканига ишонмай афтига ажабланиб қараган бўлур эдинглар. Қолаверса, нега у ойналар хуфёна омбор — автомобиль қўйдиган хона-боксда сақланяпти? Агар орамизда сизларнинг сир-асорингизга ақли етадиган ОБХСС ходими бўлмаганида, у «лобовой»ни карточка орқали топмаганида, ҳамон хуфёлигича ётаверар эди. Омборда сақланаётган юқори сифатли автомобиль шиналари, кузов қисмлари, янги марка «Москвич»нинг двигатели ва бошқа ўнлаб камёб қисмларнинг ҳатто карточкада ҳам қайд этилмаганини қандай тушунтирасиз?

Игорь Гургенович «бизда аккумулятор ҳам, «ноль саккиз»нинг шинаси ҳам бемалол, хоҳлаган одамга берамиз» деганида биттамиз секин хонадан чиқиб, буюртма қабул қилувчи мастер Азамат (уни ҳамма Азиз деб атайди) Мусамедовнинг ҳузурига бориб, аккумулятор ва шина сўрадик. У, бу масалада омбор мудири Рихситилла Тўрабеков билан келишишни айтди... Сўнг, Азамат директорни ёлғончига чиқариб қўйгани ҳақида телесуҳбатга таклиф қилганимизда, у бирдан ғойиб бўлди. Директор раҳбарлигида роса ярим соат қидириб, Мусамедовни топишолмади. Станцияда интизом ниҳоятда ёмонлигини, кўп каттаданкичик ходимлар ҳаммаси ўзича «дахлсиз» бўлиб кетганини мана шу биргина фактнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Мазкур станцияга рейдни Мусамедов қабулидан бошлаган эдик- у мижоз сўраган ўн хил эҳтиёт қисмдан саккизтасини «йўқ» деди. Кейин омбор ва омборчалар текширилганида, ундан сўралган эҳтиёт қисмларнинг саккиз хили борлиги аниқланди...

Тушдан кейин Юнусободдаги 2-станцияга кириб келдик. Буюртма қабул қилиш хонасидаги камёб эҳтиёт қисмлар экранига қараб, ҳайратдан ёқа ушладик: бозорда нархи беш-ўн баравар қиммат бўлган ўнлаб эҳтиёт қисмлар бу ерда бор! Масалан, поршень бор, кольца бор, аккумулятор бор, шина бор, распредвал бор...

Телефон хўп яхши нарсада. Рейд бригадаси шаҳарда иш бошлагани энди ҳамма станцияда маълум эди...

— Булар бемалолми, хоҳлаган одамга бераверасизларми? — дея сўраймиз омбор мудири Рамил Енашевдан «Жигули»нинг 70 та распредвалига ишора қилиб.

— Бемалол,— дейди у бамайлихотир.

— Агар эрталаб 70 мижоз топиб келсак, ҳаммасини бериб юборасизми?

— Албатта,— дейди у ва беихтиёр илжайиб четга қарайди. Чунки...

Эртасига мижоз юбордик. Етмишта эмас, биттагина. Унга распредвал беришмади: «кулачоги» йўқ эмиш.

Ана томоша!

Рейд кунининг ўзидаёқ, қабул қилувчи мастер Карен Арутюнов «экран»даги рўйхатда «бор» деб темир тугмача билан белгилаб қўйилган эҳтиёт қисмларни мижозларга у-бу баҳона қилиб рад этаётган эди. Масалан, «Москвич»нинг мойи билан фильтрни алмаштирмоқчи бўлган йигит «усталар йўқ» деган жавобни олди. «Москвич»нинг усталари соат бешгача (ўн еттигача) ишлармиш. Ҳолбуки, станция соат 8 дан 21 гача ишлайди, деб ёзиб қўйилибди. Директор Равшан Тўраев Арутюновнинг муомаласини, «Москвич» устаси касал, деб изоҳлади. Йирик бир станцияда «Москвич» устаси атиги биттами? Ганга чечан одамга баҳона топилаверади. Чунки... гап билмайдиган одам бунақа жойда ишламайди, ишлолмайди...

Чирчиқ шаҳридаги 4-автомобилларга техника хизмати кўрсатиш станцияси омборида ҳам автошина, аккумуляторлар тахлаб қўйилибди. Нега, оладиган одам йўқми? Бу саволга жавобан бош инженер Алишер Назаровнинг ҳасратидан чанг чиқади: «автошиналарнинг 40 процентн автоҳаваскорлар кўнгилли жамиятига, яна 40 процентн Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига ажратилган. Яъни, кўрмоқ бор-у, емоқ йўқ, дегандек». Майли, шундай ҳам дейлик. Бироқ мижоз сўраганда «йўқ» деб жавоб берилган «Москвич» учун карбюратор,трамблёр каби камёб эҳтиёт қисмларнинг аслида омборда бор эканини бош инженер ва директор Еқуб Икромов нима билан изоҳлашаркин?

Ангрендаги 14-станцияда ҳам мастер Тўйчи Ғуломов билан омбор мудири Мухтор Исмонов автошиналар ҳокими шаҳар ижроия комитети эканн, станцияга келтирилган ғилдираклар ижрокомда корхона ва ташкилотларга тақсимланиши ҳақида ахборот бердилар. Улар гўё қуруқ хизматкор, ғилдиракка ҳеч дахли йўқ одамлар. Ундай бўлса омбор ишчиси Қудратилла Мадалиев «ноль саккиз»нинг иккита ғилдирагини қаердан олиб 280 сўмга пуллади? Бу факт бўйича Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими БХСС бўлинмаси ходимлари иш олиб боришмоқда. Қудратилла қўлга тушган куни омбордан сотганини ёзиб берган эди, эртасига «бозордан сотиб олган эдим» деб кўргазмасини ўзгартирди. «Ўқитувчилари» зўр-да. Шаҳар ички ишлар бўлими бу ишни қонуний ниҳоясига етказиши керак.

Станция омборида 44 та аккумулятор бўлгани ҳолда мастер Т. Ғуломов мижозга аккумулятор беришни тўрт тоғ баҳоналар билан рад этди. Қисқаси, иккиси «тил» топишолмади. Омборда «мой насоси» (помпа) бўлгани ҳолда «экран»да «йўқ». Станцияда кўп эҳтиёт қисмлар йўқ. Лекин «Элта хизмат — олий ҳиммат», «КПСС XXVII съезди қарорларини бажарамиз» деган алвон-шиорлар хуноб автоҳаваскорларнинг кўзларини чалғитиб турибди. Бу шиорлардаги вазифаларни қандай бажаришаётгани фақат ўзларига маълум. Биз ҳам билайлик, деган мақсадда директорни роса қидирдик, лекин Акрам Тошевнинг суҳбатига мушарраф бўлолмадик — унинг қаердалигини ҳеч ким билмайди. Ростдан билишмаса — корхонада интизом чатоқ, ёлғондан билишмаса — ундан ёмон.

«АвтоВАЗ»нинг Ғалаба районидаги Димитров номли колхозда жойлашган устахонасида (директори В. Бурховецкий) рейд қатнашчисига 66 сўмлик аккумуляторни буюртма қабул қилувчи мастер Олег Владимиров 100 сўмга сотди. Йил давомида ОБХСС вакиллари одатдаги текширишларни ўтказганида эса бунақа «сотди-сотди»лар кўп аниқланди. Олмалиқдаги устахона ходими Пўлдош Эргашев 50 сўм фойдасига автошина сотганида, Янгийўлдаги 20-устахона автослесари Асқар Аъзамхўжаев «Москвич» двигатели «головка»сини 150 сўмга (58 сўм ортиқ) пуллаганда қўлга тушди. Ғалаба район Қўрғонча посёлкасидаги устахона бригадири Шербань биргина мижозга 130 сўм «шапка»си билан эҳтиёт қисм сотган. Бўка район Мичурин номли колхозидаги устахона слесари Гурген Холотянц мижознинг 71 сўм ҳақига хиёнат қилди. Ўтган йили областда эҳтиёт қисмлар билан чайқовчилик қилган 31 шахс устидан жиноий иш қўзғатилди.

Тошкент районида жойлашган 13-автомобилларга техника хизмати кўрсатиш станциясида (директори Фурқат Саидаҳмедов) «ноль беш» ва янги марка «Москвич»нинг автошиналари нега бурчак-бурчакда ширириниб ётганини сўрасак, омбор мудири Комил Юсуфохунов «ўзингиз биладиган нарсани мендан сўраб майна қиляпсизларми?» деган маънода илжайишдан нарига ўтмади. Элликдан ортиқ «ноль саккиз»нинг ғилдираги нега навбатда турганларга бериларкан?

— Олишмаяпти,— дея бир овоздан жавоб беришди омбор мудири ва директор.

Улар. Ангренда бу ғилдиракни 140 сўмдан сотишаётганини билишмас экан шекилли, одам шунчалик ҳам бехабар бўладими...

Шунақа гаплар, шунақа аҳвол. Қайси устахонастанцияга борманг, автошина ва аккумуляторлар тахланиб ётибди, амалда эса — «дефицит». Бозорда аккумулятор юз сўм, ғилдирак 150—160 сўм. Бошқа ўнлаб эҳтиёт қисмлар ҳам шу аҳвол.

Омборда бор, амалда йўқ эҳтиёт қисмлар.

«Дефицит» шундай туғиляпти.

Сўнггида бу сунъий камёбликни тугатиш бўйича г а зетхон-автоҳаваскорларга бир «эксперимент»ни таклиф қиламиз: ҳозир аккумулятор истаганча бор. Агар бирон устахонада аккумулятор беришни рад этишса (ўрнига эски аккумулятор топшириш керак), қуйидаги номерларга кўнғироқ қилинг: редакция: — 32-55-56, шаҳар БХСС бошқармаси — 56-96-61, область БХСС бўлими,— 33-78-54.

И. ЮСУПОВ,
Ўзбекистон телевидениеси редактори.
А. УБАЙДУЛЛАЕВ,
область ички ишлар бошқармаси БХСС бўлими бошлиғининг ўринбосари.
Ш. МУҲАММАДАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси БХСС бошқармасининг инспектори.
Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

(Ушбу рейд тўғрисидаги кўрсатувни бугун соат 18.45 да Ўзбекистон телевидениесининг 1 программаси орқали кўришингиз мумкин.

ШАХСИЙ ТРАНСПОРТНИ СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ ШАРТНОМАСИ

табиий офат, авария, ўғрилик ёки ҳайдаб қочиш натижасида Сизнинг автомашинангиз, мотоциклингиз, мотороллерингиз, моторли, елканли ёки эшкакли қайиғингизга етказилган зиён ўрнини қоплашни кафолатлайди.

Шартнома 1 йилгача муддатга тузилади. Суғурта пули суғурта қилдирувчининг хоҳишига биноан (ишлатилганлигини ҳисобга олган ҳолда), аммо транспорт воситасининг амалдаги давлат нархидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Суғурта тўловининг миқдори транспорт воситасининг турига, суғурта муҳлатига ва суғурта пулининг ҳажмига боғлиқ бўлади.

Бундай суғурта тури бўйича мукаммалроқ маълумот олиш, шунингдек, шартнома тузиш учун турар жойингиздаги Госстрах инспекциясига ёки Сизнинг ташкилотингизга хизмат кўрсатувчи суғурта агентига мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент область давлат суғурта бошқармаси. «Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ДИҚҚАТ!

«Ташоблкожвендиспансер»нинг консультация поликлиникаси ҳузурида

«ИШОНЧ» («Доверие») КАБИНЕТИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА.

Бу ерда СПИД ва қон-томир касалликларига қарши аноним тадқиқотлар олиб борилади.

Кабинет ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9 дан 18.00 гача ишлайди.

АДРЕС: Тошкент шаҳри, 15-алоқа бўлими, Кафанов кўчаси, 104-уй.

Справкалар учун телефонлар: 55-86-27, 55-84-77.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитети

45-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989—1990 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти тракторчи-машинист, зоотехник, балиқчилик мастери, автослесарь, қишлоқ хўжалиги машиналари ремонти бўйича слесарь, сотувчи, электр-газ пайвандчи, техник-электрик (монтёр) мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлайди.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8—10 синф маълумотига эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

10-синф маълумотига эга бўлган йигит ва қизлар билим юртидаги кенг ихтисосли тракторчи тайёрлайдиган 8 ойлик қисқа курсларга ҳам қабул қилинади.

Билим юртини муваффақиятли тамомлаганлар ўрта махсус маълумот олганлиги ҳақида диплом оладилар ҳамда уларга олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга кириш учун йўлланма берилади.

Битирувчилар ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланадилар. Ўқишга қабул қилинганлар 4 маҳал бепул овқат, кийим-бош ҳамда 10—22 сўм миқдорида стипендия, узоқдан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юрти қошидаги Маданият уйида ва спорт комплексида спорт турлари бўйича тўгараклар ташкил этилган.

Билим юрти адреси: Тошкент области, Ғалаба райони, Қўрғонча посёлкаси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР! 1990 йил газета ва журналларн учун обуна қилиш давом этмоқда. Келаси йил ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар Сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ бир йилга — 7 сўм 68 тийин, олти ойга — 3 сўм 84 тийин.

• СПОРТ • • СПОРТ •

ОЛИЙ ЛИГАДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

● **ШАНБА** ва якшанба кунлари мамлакат чемпионати олий лигаси қатнашчилари 18-тур ўйинларини ўтказишди. «Спартак» ўз майдонида Волгограднинг «Ротор» командасини қабул қилиб 1:0 ҳисобида қийин ғалабани қўлга киритди ва 29 очко билан якка пешқадамликни давом эттирмоқда. Иккинчи ўринни эгаллаб турган «Днепр» Вильнюсда «Жальгирис»га 1:2 ҳисобида ютқазди. Пойтахт автозаводчилари Тбилиси шаҳрида «Динамо» билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнашди. «Днепр» ва «Торпедо» командалари ҳисобида 24 тадан очко бор. Москванинг «Локомотив» клуби пойтахт динамочиларидан 0:1 ҳисобида енгилишганидан сўнг 8 очко билан ҳамон сўнгги ўринда бормоқда.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИ

● **ГОРЬКИЙДА** бошланган енгил атлетикачилар мамлакат биринчилигида тошкентлик Марина Шмонина 400 метрга югуришда 51,14 секунд натижа кўрсатиб, финиш чизғини биринчи бўлиб босиб ўтди ва мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритди.

Лангар билан сакрашда тошкентлик Радион Гатаулин яна мамлакатда энг кучли спортчилардан эканлигини намойиш қилди. У 5 метр 90 сантиметр баландликдан сакраб ўтиб, чемпионлик шоҳсупасига кўтарилди.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

«Ташоблводстрой» қўчма қурилиш-монтаж бирлашмасининг хўжалик ҳисобидаги 23-автотранспорт корхонасига берилган 981503 дан 981550 номергача бўлган фойдаланилмаган варақалари билан бирга йўқолган

ЛИМИТЛАШТИРИЛГАН ЧЕК ДАФТАРЧАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Авангард» кооперативига берилган йўқолган

ДУМАЛОҚ МУҲР ВА БУРЧАКЛИ ШТАМП БЕКОР ҚИЛИНАДИ

●

Чирчиқ шаҳридаги «Ўзспортторг»нинг 4-магазинига тегишли АС сериядаги 348258 номерли йўқолган

СЧЁТ-СПРАВКА БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Р—11849. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Б.—1649. Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12